

Собир Абдулла



Алпомиш

*Уч парда, саккиз кўринишли
музикали драма*

(Қайта ишланган сўнгги
варианти)

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

- Алпомиш — халқ қаҳрамони, 30 ёшда.
Ойбарчин — қаҳрамоннинг севгилиси, 20 ёшда.
Бойсарин — Барчин отаси, элат оқсоқоли, 70 ёшда.
Жуман — Алпомишнинг дўсти, қаҳрамон, 30 ёшда.
Ойимжон — Алпомишнинг онаси, 60 ёшда.
Қалдирғоч — Алпомишнинг синглиси, 18 ёшда.
Қоражон — 30 ёшда.
Кулунтой — Алпомишнинг дўсти, чўпон, 30 ёшда.
Тўхлимерган — Алпомишнинг дўсти, чўпон, 30 ёшда.
Қайқубод — Ватадан дарбадар, аламзада, 50 ёшда.
Тозагул — Барчиннинг дугонаси, Кулунтой севгилиси, 20 ёшда.
Хулкар — Барчиннинг дугонаси, Тўхли мерганнинг севгилиси,
18 ёшда.
Кенжадов — Қоражонга сирдош ёш сипоҳ, 25 ёшда.
Ултон — Алпомишнинг ўғай акаси, хонн, 40 ёшда.
Иноқ — хон жосуси, 50 ёшда.
Тойчакон — хон, босқинчи, 65 ёшда.
Кўкалдош — хоннинг сипоҳсолори (бош сипоҳи) дағал, зolim паҳ-
лавон, 40 ёшда.
Сурдов — хоннинг кўрс, ҳовлиққан алпи, 35 ёшда.
Бекач — Ултоннинг югурдаги, сотқин аёл, 40 ёшда.

Ичол ва Ичол, халқ, алплар, йигит ва қизлар. Шунинг-
дек, раққоса асира қизлар.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КУРИНИШ

Элат оқсоқоли Бойсарининг овули, ўз кўрки ва салобати билан бошқалардан ажралиб турмоқда. Баҳор. Барчин, Қалдирғоч, Тозагул, Хулкар ва бошқа қизлар бир томонда кашта тикмоқдалар. Яна бир томонда Алпомиш, Жуман, Қулунтой ва бошқа йигитлар эгар-жабдуғ ямамоқдалар.

Олисада юксак пистазор тоғлар, шўх дарё ва жилғалар. Шунингдек, илонизи тоғ йўли кўзга ташланади.

А л п о м и ш

Ҳо, ана у тоғда қор ёғса-ё, бунда қиров,
Ақлим билан ҳушимни-ё, олди биров.

Б а р ч и н

Ақлим билан ҳушимни олса биров,
Унга жоним садқа-ю ўзим гаров.

Х о р

Чин ёр-ёр, омон бўлинг.

Қ у л у н т о й

Оқ билакка ярашар билагузук,
Кўз ташласам хўмраяр кўзи сузук.

Т о з а г у л

Қўз ташламанг менга деб, айтмабмидим,
Қизлар пайқаб қолишса, бўлмас тузук!..

Х о р

Чин ёр-ёр, омон бўлиш.

Қ а й қ у б о д

(ҳовлиқиб кириб)

Ҳушёр бўлинг! Келяпти ёв алплар!

Б е к а ч

(кетидан кириб)

Меҳмонлар келгандир?..

Қ а й қ у б о д

Булар серхатар!

Б е к а ч

Балким бу дўстлар...

(Алпомишга.)

Қаранг, Алпим!

А л п о м и ш

Келсин-чи?..

Қ а й қ у б о д

Булар қонхўр, энг ашаддий босқинчи!

А л п о м и ш

Ўзинг кимсан?

Қ а й қ у б о д

Мен зулмзада, дарбадар!
Ҳикоям кўп, эшитсангиз сиз агар:
Қиличларнинг даҳшатидан безганман,
Паноҳ истаб, талай йўллар кезганман!
Тинч халқ эдик, душманлар босиб кирди,
Янчиб, талаб, юртимизни ёндирди!

А л п о м и ш

Қисқароқ қил сўзни, оға!

Қ а й қ у б о д

Шу ёвлар
Келмоқдалар сизга сочиб оловлар!
Бизга ўхшаб сиз ҳам чекманг мусибат!
Ҳимояга тайёрланинг, ўтмай вақт!

Ж у м а н

(кузатиб)

Яқинлашар!..

Қ а й қ у б о д

Олдиндаги Кўқандов!
Кўп бераҳм ҳам энг ёвуз, баттол ёв!

А л п о м и ш

Душман бўлса, бир бошга бир бошимиз,
Дўстлар келса, дамлоғлиқдир ошимиз.

У л т о н

(киради)

Дўст бўлса бор, аммо булар ёв эмас,
Сену мен бор, бу ерга ёв келолмас.

А л п о м и ш чиқади, й и г и т л а р ҳам чиқадилар. Қ и з л а р ҳам чиқа
бошлайдилар. Ултон Барчиннинг йўлини тўсади.

Тўхтаг Барчин...

Б а р ч и н

(тўхтаб, қайрилади)

Борми, айтар сўзингиз?

У л т о н

Бу жаҳонда танҳодирсиз ўзингиз...

Б а р ч и н

(кулиб)

Шугинами?..

У л т о н

Сизга айтар гапим кўп.

Б а р ч и н

Эшитаман...

У л т о н

Бўларсиз деб, менга вафодор маҳбуб,
Умидим зўр сиздан... Сўзим шу фақат...

Б а р ч и н

Муҳаббатли бўлиш ўзи катта бахт.
Бу бахт билан қутлуғлайман мен сизни.

У л т о н

Ёрим десам арзийди...

Б а р ч и н

(кулади)

Бўлак қизни...

(Бош чайқаб.)

Мени эмас... Ёрим бор...

У л т о н

Ёрим бор деб, берманг кўнглимга озор.
Раҳму шафқат қилинг менга, рад этманг!

Б а р ч и н

Сизни оғам деган эдим!.. Ҳе, аттанг!..
Мен яқинда келинингиз бўламан.

(Тез чиқиб кетади.)

Хафа қилманг укангизни!..

У л т о н

(қараб қолиб)

Кўраман...

Алпомиш, йигитлар ва Қайқубод кирадилар, ҳаяжон билан
кексалар Бойсарни билан кира бошлайдилар ва улар кетидан
хотин-қизлар кириб, бир томон тўплана бошлайдилар.

Қ а й қ у б о д

Уртадаги жосус, найрангбоз Иноқ,
Қолганлари алплар!.. Кетайлик йироқ!

У л т о н

Кета бер сен ўзинг, бизни қўрқитма,
Ҳар хил сўз тарқатиб, ваҳима этма!
Бу элатда йигитлар кўп, шер ўмган!
Қани, ўша зўравонлар ким экан?!..

Иноқ, Кўкалдов, Сурдов ва Қорахон кириб, сурбетлик
билан қизларга тегишиб ўта бошлайдилар.

Кўкалдов

Ўҳҳў!.. Айланай!..

Иноқ

Гул гунча!..

Барчин

(жеркиб)

Афтинг қурсин!..

Сурдов

(Тозагулга қўл узатиб)

Бир қиё боқ, сулув қиз!

Тозагул

(силтаб ташлаб)

Қўлинг синсин.

Қорахон

(Қалдирғочга тикилиб)

Ана қошу, ана кўз!

Қ а л д и р г о ч

(юзини ўғириб)

Вой, ўлмасам...

Қ о р а ж о н

(Сурдовни туртиб)

Шунга шайдо бўлдим!
Мен сенга айтсам!..

К ў к а л д о в

(Иноқдан)

Бу мўйсафид ким?

И н о қ

Элатга оқсоқол!

Б о й с а р и

Хуш келибсиз...

К ў к а л д о в

Эй, элатга бошлиқ чол!
Юборгандир бизни улуғ Тойчахон!

Б о й с а р и

Қутлуғ келсин қадамингиз! Эй, меҳмон!

Кўкалдов Иноққа имо қилади, Иноқ фармон ўқий бошлайди.

И н о қ

Машҳурдирмен мен Тойчахон,
Қиличимдан титрар жаҳон,
Элни қул қилиш ниятим,
Осиш, чопиш моҳиятим,
Сиз ҳам таслим бўлурсиз деб,
Тўғрилиқча қилдим таклиф:
Сиз учундир фахрли иш:
Хирож тўлаш, улов бериш!
Сулув қиздан ҳар йил тўрт қиз
Юборасиз менга каниз!
Тобе бўлур яйловингиз,
Экин, чорва, уловингиз!
Ким бош товлар бу фармондан,
Тирик чиқмайди зиндондан!
Яхшилиқча бунга хўп денг,
Кўнмасангиз уни айтинг!

У л т о н

Хон таклифи ғазабимни қўзғатди!
Сиз ўзингиз бир нима денг, амаки!
Жавоб беринг қўрқмасдан!..

К ў к а л д о в

Айт илдамроқ!

И н о қ

Жавоб олиб, қайтиш керак! Йўл йироқ!

Бойсари

(Ғазаб билан ўртага чиқади.)

Дағдағага уста экан хонингиз,
Тинч элатга ҳасад билан ташлаб кўз!
«Бизга беринг уловингиз, донингиз!..»
Шу ҳам гапми?!.. Ана дўғу, ана сўз!..
Бундай сўзлар бизга асло ботмайди,
Эгри сўзга эгри калтак деганлар!

Алпомиш

Хон фармони қилди мени дарғазаб!
Бўйсунмаймиз, тўғрилиқча тезроқ қайт!

Ултон

Қайтиб бориб, Тойчахонга шуни айт:
Қилдирмаймиз юртимиз оёқ ости,
Мана, жавоб лўндаси, гапнинг рости!

Алпомиш

Зўрлик билан ёв қулликка кўндиролмас!

Жуман

Қаҳру ғазаб оловини сўндиролмас!

Иноқ

Хон хатига жавоб шуми?

Х а л қ

Жавоб шу!

К ў к а л д о в

Ҳозир асир қилиб, боғлай ҳаммангни!
Ол довларим!..

А л п о м и ш

Бизлар севмаймиз жангни,
Аммо, юртни ёт қадамдан сақлаймиз!

К ў к а л д о в

Тут довларим!

Қ о р а ж о н

(хижолат чекиб)

Қайси бирин боғлаймиз?

К е н ж а д о в

Улуғ алпим, ўйлаб бир иш қилайлик!
Зўрлигимиз ўрнида пеш қилайлик!

К ў к а л д о в

(бақиради)

Боғла дедим, боғла!

Алпомиш ишора қилади, йигитлар қўлларини тутадилар, кулги бошла-
нади. Қоражон изтиробда, Сурдов қўрқувдан чекинади, кулги тобора
авж олади. Алпомиш Бойсари қўлидаги хон фармонини олиб, орқасига
ёза бошлайди, Бойсари Кўкалдов рўпарасига чиқиб.

Б о й с а р и

Ҳо, Кўкалдов! Элчилигинг унутма,
Кўп ҳаддингдан ошма, қинғир йўл тутма!
Булар сени боғлашмади! Қил қуллуқ!
Чунки, одат. Элчи учун ўлим йўқ!

А л п о м и ш

(ўртага чиқади)

Хон хатига жавоб тайёр! Ҳо, элчи!
Босиб ўпканг, бир оз яқинроқ кел-чи!

(Яқин келади, ўқийди.)

Жавоб ёздик фармонингга, эй, Тойчахон,
Деб экансан «қиличимдан титрар жаҳон!...»
Аввал ўзинг кимлигингга қараб боқчи:
Тинч элларни қақшатгувчи шум қароқчи!
Биз ўзбеклар дўстлар учун жон берамиз,
Оч бўлсанг кел, илтимос қил, дон берамиз.
Душманларга эл ғазаби ҳаддан ёмон,
Ким қасд қилса, бу элатдан қайтмас омон!
Ҳар бир йигит, ҳар бир қиз бу юртга посбон,
Бир дўқ билан енгарман деб, қилма гумон!
Бу элатни қўриқловчи фарзандлар бор.
Босқинчига ҳар доимо жавоб тайёр!

Бойсари

(Кўкалдовга беради)

Тойчанг буни тумор қилиб осиб олсин,
Сўнгра бир оз ўпкасини босиб олсин!..

Кўкалдов хатни олиб, зарда билан чиқа бошлайди, орқасидан
Қорадов ва Сурдовлар чиқадилар, халқ жим, орқада отлиқлар
шарпаси узоқлашади.

П А Р Д А

ИККИНЧИ КУРИНИШ

Парда одида

У л т о н

Салом амаки, йўқлабсиз?

Б о й с а р и

Ҳа, Ултонбек.

Маслаҳатга сени йўқлаган эдик.
Тўхлимерган хабар келтирди кеча,
Чорвамизга чов солибди ёв Тойча!
Тойчахоннинг одамлари Олайдан
Йилқиларни ҳайдаб кетмоқчи бўлган.
Тоғ устида ўқ узишиб ўқ-ёйдан,
Чўпонлардан яраланган ҳам ўлган!
Йигитларни юбормасак, йўқ илож!
Маслаҳат бер!

У л т о н

Бу, ўринли эҳтиёж.
Аммо юрт ҳам нотинч, элат серташвиш,
Ё мен қолай, ёки қолиб Алпомиш,
Кўзу қулоқ бўлмоқ зарур, қўриқлаб!..

Б о й с а р и

Балли Ултон! Бу гапларинг маъқул гап!

У л т о н

Алпомишни юборайлик, мен қолай,
Мен бу юртни қўриқлашда ҳар қолай
Тажрибам бор, пасту баландлар таниш,
Олай сиртни яхши билар Алпомиш...

Сўзлашиб чиқадилар, парда очилади: Тонг пайти. Тонг сукунатини узоқ жылгаларда сайраётган булбуллар товуши бузмоқда. Ойбарчин овул ёнидаги булоқда юз ювиб, ерга энгашган мажнунтол новдалари орасидан узоқларга боқиб, куйлайди.

Б а р ч и н

(ария)

Сабо, муштоқлигим тезроқ бориб, ёримга изҳор эт,
Агар уйғонмаса, бошидан ўргилмоқни такрор эт.
Муҳаббат аҳлига бир кеч дегин минг кечадан ортиқ,
Ёриб тунни қуёш янглиқ, қаро ҳижронни бекор эт.
Ўқиб минг дoston булбул, муҳаббат мадҳини куйлар,
Келиб ёнимга, эй, ёрим қўшил, ишқдан сарахбор эт,
Кел, эй, Барчин, агар келмас экан у севгили ёринг,
Унга муштоқлигинг билмас эса, куйлаб, хабардор эт.

Эгар-жабдуг орқалаб, Ал по ми ш киради.

А л п о м и ш

(ария)

Юрак, бас, уйнама, ёринг юрак-бағрини уйнатма,
Рақиблардан очиб сўз, эй, тилим, ёримни уйлатма.
Агар уйқуда бўлса, эй, йигитлик завқи, кир, уйғот,
Бўлақлар сезмасин, ундан бўлақ ҳеч кимни уйғотма.
Ҳамиша рашк этарман эссанг, эй, шаббода, сендан ҳам,
Баҳона ахтариб, кўксидаги сочини кўзгатма.

Б а р ч и н кўриниб, салом беради.

Б а р ч и н

Қилмагин ёрингга бўҳтон ўргилай,
Қомати рост, сўзи ёлғон ўргилай.
Уйқу келмас кўзга, номинг ёдламай,
Танда ором олмагай жон, ўргилай.

А л п о м и ш

Иштиёқингда кезиб чўл, чопаман,
Айрилиқ тошига бағрим ёпаман.
Истагим эл хизматидан топмасам:
Бўлмагин сен менга жонон, ўргилай.

Б а р ч и н

Сен бориб, то элга қайтгунга қадар,
Айрилиқ ўз наштарин жонга қадар.
Қайда бўлсанг бўл омон Алпомишим,
Бўлмагин ёт уйга меҳмон, ўргилай.

(Кокилини ўйнаб, ерга қараб сўзлайди.)

Ташлаб кетиб, кейин қайтасиз қачон?..

А л п о м и ш

Сафаримиз кўпи билан бир ойга!
Ёвни ҳайдаб, қайтиб келсам соғ-омон,
Тўй бошлаймиз, чоптириб улоқ, пойга...

Б а р ч и н

(юзини буриб)

Вой, ўлмасам...

А л п о м и ш

Тўй — тинч ҳаёт меваси,
Кўкда янграб карнай-сурнайлар саси,
Нотинчликнинг қулогини қилсин кар,
Ўланлардан узоқ қочиб хавф-хатар,
Ғолиб кулги даҳшат солар ёвларга,
Ошиқ йигит дуч келса ҳам говларга,
Муҳаббати қанот бўлур, шон бўлур,
Ҳар қадамда мардга имтиҳон бўлур.

Қ а л д и р ғ о ч, онаси Ойимхон билан киради. Алпомиш томон югуради ва Алпомиш бўйига осилиб, эркаланади.

Қ а л д и р ғ о ч

Жон акажон, кетармишсиз бизни ташлаб,
Нотинч юрда кўнглимизни баттар ғашлаб.

О й и м ж о н

Хайрлашишга келдим! Онанг ўргилсин!..

А л п о м и ш

Хайрлашмасдан, она! Менга йўл бўлсин!
Олай бориб, оқ сутингиз оқлаймиз,
Яъни, ёвдан эл чорвасин сақлаймиз!

О й и м ж о н

Сен элатни рози қилсанг: мен рози,
Элат бўлса норози: мен норози.

Барчин ўзини Ойимжон кўксига ташлайди.

Аммагинанг гиргиттон, Ойбарчиним!

Барчиннинг пешонасидан ўпади, ташқарига юрадилар, иккинчи томондан У л т о н кириб, уларни кузатади.

У л т о н

Укам деб айтишга бормади тилим!
Чўридан туғилган Алпомиш! Ҳайҳот!
Унга уйланса у, мен учун уят!
Бойсари ўлади, эрта ё индин.
Қолар Алпомишга!..

(Атрофга.)

Оҳ, борми нажот!

И н о қ

(кўриниб)

Не дейсиз, бу ҳақда мен берсам ёрдам?..

У л т о н

(уни бўғиб)

Кетган эмасмидинг? Айёр, муттаҳам!..
Ҳозир йўқол бундан!

И н о қ

Йўқ... Ултон! Эшит!..
Мендан таълим олиб, сўнг мурудинга ет!..

И к к и с и гойиб бўладилар, саҳнага йигит, қизлар тўплана бошлай-
дилар, тонг ёришади, Алпоминш, Барчин, Ойимжон, Қал-
дирғоч ва бирмунча кексалар билан Бойсари киради.

Қ и з л а р

Олой сирти қорлигу йўллар йироқ,
Сиз қайтгунча куйдирар бизни фироқ.
Бизни фироқ ўтида куйдирмасдан,
Юртга тезроқ қайтсангиз: шу яхшироқ.

Й и г и т л а р

Бедов минган мард борар қўшиқ айтиб,
Отга қамчин босади, шўх-шўх айтиб.

Қ и з л а р

Поймонини қолдирса бўлак ерда:
Овулига келмасин, қуруқ қайтиб.

Б о й с а р и

Тайёрмисиз, Арслонларим?!..

А л п о м и ш

(Ўртага чиқиб)

Биз тайёр!

Оқ фотиҳа беринг!..

Б о й с а р и

Ҳиммат бўлсин ёр,

Қайтинг элга ғолибона, мардона,
Зафарингиз кутар ҳар ота, она!

О й и м ж о н

Сиз қайтгунча барча интизорингиз,
Ҳайдар кокил, шаҳло кўзли ёрингиз.
Ҳақингизда ширин-шакар сўз қилиб,
Йўл пойлайди, вужудини кўз қилиб.

І ч о л

Эл фарзанди, юртга қалқон, йигитлар,
Ёв кўксини қилинг талқон, йигитлар.

А л п о м и ш

Етиб бориб, тутсак очкўз бўрини,
Киргин солиб, қуритамиз шўрини!

Мен жўнашга ҳозирданоқ тайёрман!
Яна ким бор?..

Қулунтой:

(ўртага чиқиб)

Мен ҳам борман!

Овозлар

Мен бор!..

Мен бор!..

Мен бор!..

Жуман

(ўртага чиқиб)

Бормасликка йўл қўймайди номус-ор!..

Ичол

(ўртага чиқиб, йигитларга маъноли назар ташлайди)

...Юрт тинч эмас!.. Бор эрўр хавф-хавотир!
Балки бўлар тагин бир ташвиш содир,
Яна душман суқилар тинч диёрга,
Балки яна қўл чўзар номус-орга!..
Шуни ўйлаб, бўлди менинг кўнглим ғаш!
Керак бўлур эл-юртни ҳам қўриқлаш...

Ҳаммада жонланиш пайдо бўлади, Алпомиш бир оз хаёлга чўмади,
сўнг Жуманга тик қарайди.

А л п о м и ш

Жуманботир!.. Сен қол, юртни қўриқлаб,
Химоя қил юртни, ўқ-ёйни ўқлаб!
Атрофинга мардлар тўпла, йигит йиғ,
Эл номусин сақлаб, доим ушлаб тиғ!

Қ у л у н т о й

Шундай пайтда йўқлигимиз билдирма,
Севгимизни оёқости қилдирма!

Ж у м а н

(қилич ўпиб)

Қоладиган дўстларингиз дер сизга:
Йўл бермаймиз ёт қадамга, ёт изга!
Бойқуш ёвлар бу боғларда кезолмас!

У л т о н

Ёт чангаллар ғижимлолмас, эзолмас!..

(Чиқади.)

Му з и к а

Б о й с а р и

Камлик кўрманг, бўлсин бахтингиз ёри.
Эл сизларга, сиз элатга меҳрибон.
Мақсадингиз Олой тоғдан юқори,
Тойчахонга тор бўлсин бу кенг жаҳон.
Йўлбарс қарши чиқса, ёринг бағрини,

Ёв дуч келса, ерга чапланг яғрини,
Омон қўймай бўриларнинг барини.

Х о р

(Қолувчилар)

Сиз қайтгунча биз элатга посбон,

Ҳ а м м а

Кўришайлик тез ойларда соғ-омон!

Кетувчиларни ёшлар кузатиб чиқадилар, кексалар тарқала бошлайдилар. Узоқдан от дупурлари эшитилади, дарвиш ниқобида чарх уриб, И н о қ киради.

И н о қ

Ҳуввв!..

Дунёни яёв кезсам, ҳормайману толмайман.
Мушкулни ечарман тез, ҳеч орқада қолмайман.
Ҳар ерда ўзим ҳозир, ким йўқласа мен тайёр,
Токи бу жаҳон бордир: албатта йўқолмайман.
Пулдан қиламан фарҳиз, бойлик менга не даркор,
Шоҳ тахтни тутиб менга, шоҳ бўл деса,
бормайман.

У л т о н

(бир четда)

Бу авлиё, бу дарвиш!..

Ж у м а н

(кириб)

Вой, тавба!..

(Истеҳзо.)

Қизиқ бир иш?..

У л т о н

(Иноққа яқинлашиб)

Ром кўрарсиз?..

И н о қ

Ром кўраман.

(Ултоннинг томирини тутиб.)

Сени беором кўраман,

Хонлик кўрдим нишонангда,
Бахт ярқирар пешонангда,
Хон бўларсан, иншоолло!
Юрагингни кўрай!

(Қўл солиб.)

Эвоҳ!

Бу элатда сулув бир қиз бор экан,
Сен севсанг ҳам, қиз сендан безор экан.
Отаси ҳам сени писанд қилмайди,
Сени юртга хон бўлишинг билмайди!
Қизни бермас, сўнгги пушаймон аттанг!

У л т о н

(Ўзини Иноқ оёғига ташлаб)

Оҳ, тақсирим! Сўзларингиз аломат
Бу, ром эмас, мўъжиза-ю каромат!

Қ а л д и р ғ о ч

Қуриб кетсин, ром очиши!..

(Кета бошлайди.)

Ҳ у л к а р

Оғзидан кўпик сочиши
Ухшаб кетар маст туяга.

(Кетмоқчи бўлади.)

Т о з а г у л

Юз бўяб қора куюга,
Найрангбоз ё масхарабоз!

(Кета бошлайди.)

Б е к а ч

(йўлларини тўсиб)

Қанча ҳурмат қилинса оз!
Бу одам кўп улуг одам!..

Б а р ч и н
(четланади)

Бизлар учун шу эди кам!

И н о қ
(Бойсарини тутиб)

Шўрлик! Нега турарсан жим?
Бордир сенинг бир фарзандинг,
Олам сенга у билан кенг.
Аммо бошинг айланибди,
Қизнинг бахти бойланибди,
Босган йўлинг хавфу хатар!

(Кўкка қўл чўзиб.)

Зоти олий ўзинг, ҳув-ҳув,
Бажараман сўзинг, ҳув-ҳув!
Ҳеч кимсага кўринмайсан,
Мен кўрарман юзинг, ҳув-ҳув!

(Бойсарига.)

Жин, парилар қилди хабар,
Хон шу томон қипти сафар,
Ултонбекни қилсанг куёв:
Оёқ ости қилолмас ёв! Ҳув-ҳув-ҳув!..

(Чиқиб кетади.)

У л т о н

Куёвликка кароматлар қилди чилтон,
Куёвликка қабул қилинг, амакижон!..

Б о й с а р и

Чилтон-пилтон, каромати ўзига,
Илми ғайби, башорати ўзига!

У л т о н

Маъно кўпдир бу дарвишнинг сўзида!

Б о й с а р и

Ойбарчиннинг ихтиёри ўзида!
Барчин менинг ҳам қувончим, ҳам бахтим!

У л т о н

Алпомишга берасизми?..

Б о й с а р и

Бу, аҳдим!

Б о й с а р и зарда билан чиқади, қолганлар унга эргашиб чиқадилар,
Ултоннинг ўзи қолади.

У л т о н

Тинчим бўлмас, сени дорга остирмай,
Элатингни талантирмай, бостирмай!

И н о қ

(асли либосида кириб, қулоқ солгач)

Бу мушкулни ҳал қилади Тойчахон!
Бу осон!

Хонга ичдан туриб, ёрдам берса ким:
Бўлар у элатга албатта ҳоқим!.. Ҳе-ҳе-ҳе-ҳе!..

Маъноли тикилишадилар.

П А Р Д А

У Ч И Н Ч И К У Р И Н И Ш

Элатда навруз байрами, ясанган, қуролланган йиғитлар, қизлар қирга лола териб, куйлаш учун тўпланганлар, қиру сахро қип-қизил лола билан бурканган.

Парда очилганда йиғитлар узоқларга лола териш учун кетган бўлиб, саҳнада қизлар куйлаб, рақс тушмоқдалар, қизлардан ажраб, нарироқда Барчин қилич ва ўқ-ёйини арча шохига олиб, ўзи оғир хаёлга чўмиб ўтиради.

Қ и з л а р

(қўшиқ)

Келди наврўз ўзга тусда, тез келур ёз ўзгача,
Яйрасин қизлар бўлакча, сайрасин соз ўзгача.
Навбаҳор айёмининг завқу қувончи бошқароқ,
Очилиб гул, сабзалар бўлди поёндоз ўзгача.

Қ а л д и р ғ о ч

Барча қизлар ёридан Барчиннинг ёри турфақим,
Паҳлавонлик бобида дунёда мумтоз, ўзгача.
Мергану моҳир чавандоз, минган оти бойчевар,
Титрагай йўлбарс, агар у берса овоз ўзгача.

(Барчин ёнига яқин келиб.)

Юринг! Яйранг, қўшиқ айтинг, Ойбарчин!

Т о з а г у л

(келиб)

Юринг, Барчин! Наврўзимиз бўлсин чин!

Қ и з л а р

Туринг, Барчин! Бирга-бирга куйлашинг,
Тепаларга чиқиб, бирга бўйлашинг!

Б а р ч и н

(ария)

Қистаманг, айтиб қўшиқ, дафъи хумор этмас деманг,
Лола сайрини бизнингдек ихтиёр этмас деманг.
Кирмагай ҳаргиз қулоғимга насиҳат, воажаб
Шунча ёлборсак яна Барчинга кор этмас деманг.
Таъналар қилманг кулиб қошимда, бу аҳволдан,
Бу нечук? Бизни жудолик беқарор этмас деманг.
Қайтса Алпомиш қачон! Шул кун баҳорим ҳам келур,
Унда Барчин энди сайри лолазор этмас деманг.

*(Туриб, табассум билан арча шохидан қилич ва
ўқ-ёйини олади.)*

Игитлар қучоқ-қучоқ лола кўтариб кириб, қизларга ҳадя қилади-
лар ва куйлаб, рақс бошлайдилар.

И г и т - қ и з л а р

(рақс тушиб куйлайдилар)

Гўзалликда бу янглиқ яшнаган, кимнинг диёри бор,
Баҳор айёмида ким қанча куйлар: ихтиёри бор,

Баҳона бўлгали куйлаш учун, кенг лолазори бор,
Олой сиртидаги ҳар бир йигитнинг бунда ёри бор,
Кўнгилда меҳри, тилда номи, элда беқарори бор.

Йигитлар

Уларни ёд этиб, сиз, даста-даста гул узинг, қизлар,
Уларни ёд этиб, наврўзи кўзларни сузинг, қизлар,
Уларни ёд этиб, энг яхши суҳбатлар тузинг, қизлар.

Ҳаммалари

Олой сиртидаги ҳар бир йигитнинг бунда ёри бор,
Юракда ишқи, тун-кун беқарору интизори бор.

Жуман

(Барчинни хафа сезиб)

Қир устига чиқиб боқинг, Барчиной!
Жуда сўлим хуш манзара, тошқин сой
Кенг даранинг ўртасидан оқади,
Бу кўриниш кўнглингизга ёқади.
Хоҳласангиз бориш мумкин. Не дейсиз?
Бориш учун тайёр, ҳамма йигит, қиз.

Барчин

(қирга чиқиб, бўйлаб)

Борганимиз бўлсин, майли, мен тайёр!

(Енгил нафас олиб.)

Мени мафтун қилди кетсиз лолазор!
Кўнгил хушвақт, букун олам беғубор,

Орамизда фақатгина йўқдир ёр!..
Жуман ака! Бошланг! Кетдик!

Ҳаммалари йўлга тушмоқчи эдилар, арчалар орасидан меш кўтарган
У л т о н чиқиб келади.

У л т о н

Барчин қиз...

Б а р ч и н

Ултон ака!.. Сиз ҳам шу ердасиз?..

У л т о н

Етиб келдим кетингиздан кетма-кет.

Б а р ч и н

(*малол олиб*)

Бизни холи қўйинг...

У л т о н

Мен ҳам бўй йигит,
Айби йўқ, сиз билан сайр этсам, юрсам,
Ўланлар айтишиб, гаштимни сурсам.
Бирга олиб келдим бир меш тўла май...

Б а р ч и н

Бизни холи қўйинг!

(Кета бошлайди.)

У л т о н

Хўн денг, йўқ демай.

Ж у м а н

(товуш)

Барчиной!..

У л т о н

Бора бер!.. Йўлингдан қолма!

(Барчиннинг қўлини тутиб.)

Битта ўпиш беринг, Барчиной!..

Б а р ч и н

(бир тарсаки уради)

Ол! Ма!..

У л т о н

(йўлини тўсиб)

Кутса-кутиб турар Жуман ўйнашинг!

Б а р ч и н

(қилич суғуриб)

Тагин қайтариб айт!

У л т о н

(қилич суғуриб)

Оларман бошинг!
Алдаб Алпомишни, ёр бўлдинг унга,
Кетгунча қон йиғлаб, зор бўлдинг унга,
Алпомиш кетди-ю, топдинг ўзга ёр.

Барчин қиличини тортиб олади.

Б а р ч и н

(йиғлаб, фарёд чекади)

Войдод! Жуман ака!.. Қалдирғоч!.. Ким бор!..

Ултон Барчиннинг қўлини қайириб, кўксига босмоқчи бўлганда,
Жуман етиб келиб, унинг ёқасидан тутаяди, қизлар, йигитлар етиб
келадилар.

Ж у м а н

Аблаҳ! Кимлигингга энди ишондим,
Шубҳам тўғри чиқди, тушундим, қондим!
Тутиб арчаларга боғланг, йигитлар!
Кейин гаплашамиз!

Йигитлар Ултонни боғлаб, танғиб қўядилар.

У л т о н

128

Кўрарсан итлар!
Ҳамманг боғланасан: хоҳ қиз, хоҳ йигит,
Ҳайдаб олиб кетар қора мол тахлит!
Эй, Барчин кўзинг оч! Тўзғитиб сочинг,
Менга ёлвормасдан йўқдир иложинг.

(Қаҳ-қаҳ уриб кулади.)

Элат таслим бўлур!..

Б а р ч и н

Юм оғзинг малъун!

У л т о н

Юртга ўт қўйилар эрта ё бугун,
Дорга осилганда Жуман ўйнашинг,
Отанг Бойсаридек кексангу ёшинг,
Бир ўзинг Тойчага бўлиб асира,
Бўлур ёруғ олам сен учун хира!..

Ж у м а н

(ёқасидан тугади)

Остидан суғуриб ташлай тилингни!

У л т о н

Олдин бориб кўргин юртинг, элингни!
Кейин дўқ ур менга!

(Кулади.)

Эй, Жуман ботир!

Барчин

Дўстлар! Менга тушди қаттиқ хавотир,
Қайтайлик элатга!

Йўлга тушиш учун Ултонни ечадилар.

Иноқ

(арча орқасидан кўриниб.)

Шошилманг, тўхтанг...

Энди, бундан кейин аҳволингиз таиғ.

Ишора қилади, Тойчохон сипоҳилари атрофни ўрайди, Барчин билан
Жуман қилич суғуриб, ўртага чиқадилар, жанг бошланади, қизлар
четланадилар, йигитлар ҳам ҳужумга ўтадилар, Иноқ Ултоннинг қўли-
ни ечиб, ўзи гойиб бўлади, жанг қизийди.

Жуман

Севган юрти кўксига мардлар қалқон,
Таслим бўлган номарднинг жисми талқон.

Барчин

Ёв олдида тиз чўкса, мард демаймиз,
У номарднинг бўйнига тушсин арқон!
Ҳо, йигитлар! Босқинчига раҳм этманглар!

Кўкалдов

(кўпчилик билан ўрайди)

Енгамиз деб, ўзларингни койитманглар!

Жуман

«Хуш келибсиз» эй, шум «меҳмон»!
Турмайман жим!
То бошингни олмагунча бу қиличим!

Кўкалдов ҳамла қилади. Қизлар орқадан қурол ушлаб, жангга кирдилар, юзларида ниқоб, яккама-якка жангда Қоражон билан Қалдирғоч олишиб, Қалдирғоч енгилгач, юзидан ниқоби тушади.

Қалдирғоч

Эй, номард ёв! Яқин келма, нари қоч!

Қоражон

Арчазорга киринг тезроқ! Қалдирғоч!
Авайлайин сизни мен ўз жонимдек!

Қалдирғоч кетади.

1 сипоҳ

(Барчинга)

Ҳо, яхши қиз! Тўғрилиқча бўйин эг!
Соз экансан, раҳмим келди!

Барчин

(уни чопиб ташлаб)

Раҳмдил!..

К ў к а л д о в

(Жуманни шикастлаб, Барчинга ҳужум қилади)

Ҳо, яхши қиз! Таслим бўлиб, тавба қил!
Йўқса бошдан айрилсан, аяш йўқ!

Б а р ч и н

Кўрсат кучу ҳунарингни, эй махлуқ!
Таслим бўлсам, Алпомишга ёр бўлмай,
Бу дунёдан беном ўтай, бор бўлмай!

К ў к а л д о в

(кулиб)

Ҳе, ургочи йўлбарс! Кўп гап ўйнашма!

(Сипоҳиларга.)

Ўраб олиб, тутинг!

Сипоҳилар Барчинни ўраб, тутадилар.

У л т о н

(кўринади, масхаралаб кулади)

Барчин бўшашма!

Додла, йиғла! Ўзингни ерга отгин!

Б а р ч и н

Ўз элига хусуматкор, эй, сотқин!
Қайнағам деб, қилиб юардим ҳурмат,
Ўз уканга қилиб зидлик, хусумат,
Ўз виждонинг сотдинг ёвга, эй Ултон!
Ҳам укага, ҳам юртига ёв, инсон!..

У л т о н

Алпомишни ўйлаб, ортиқ уринма!

Б а р ч и н

Йўқол, ифлос! Кўзларимга кўринма!

Барчинни ҳам элтиб, қаторга боғлайдилар.

К ў к а л д о в

Хо-хо-хо!..

Қилдик найранг билан, ўзбекни мағлуб,
Қирилган беадад, ундан асир кўп,
Дон ҳам чорваларни ғанимат олдик,
Ушлаб Бойсарини, қийновга солдик,
Ҳайдадик кўпини, арқонда боғлаб,
Энди бу саҳролар, қирлар бизники,
Ясанган жувонлар, қизлар бизники!
Хо-хо-хо! Ҳайданглар!

Асирларни олиб кета бошлайдилар.

А с и р л а р

(Куйладилар)

Хайр энди азиз тупроқ, хайр энди қариндошлар,
Дилларда ғаму хасрат, кўзларда қатор ёшлар!
Кунлар келадир, зулмдан албатта бўлиб озод,
Вайрона азиз юртни қайтиб қиламиз обод.

П А Р Д А

ИККИНЧИ ПАРДА

ТУРТИНЧИ КУРИНИШ

Тойчаҳоннинг ўргамчик уяга ўхшаш, лекин ҳашаматли ўтови, ўнг, чап қандилда шамлар ёнмоқда. Т о й ч а х о н тахтада ўтириб гоҳ косада шароб шимириб, гоҳо гўшт еб, маишатда. Бир неча қора кийган, қўлига назик занжир солинган асира қ и з л а р куйлаб, рақс тушмоқдалар.

А с и р л а р

(Хор ва рақс)

Гурбатда бу тутқунлик шавқимни фиғон этди
Бағримни кабоб айлаб рангимни сомон этди,
Мен бунда асирликда, ёр унда чекар фарёд,
Ҳижрону фироқимда қаддини камон этди.

(Музика ўзгаради.)

Ҳазон бўлди эсиз, гулдек жамолим,
Заққум бўлди шаҳду, шакар мақолим,
Водариғо, кун-кун баттар аҳволим,
Агар ўлсам, хонни тутар уволим.

Жудодирман учар болу паримдан,
Жудо қилди мени туққанларимдан,
Қаро кийсин фалак мотамларимдан,
Агар ўлсам, хонни тутар уволим.

П о с б о н

(кириб, тиз чўкади)

Иноқ рухсат сўрар, Хоқон!..

Т о й ч а х о н

Рухсат бер!..

П о с б о н кетади, хон ишораси билан қизларни олиб чиқадилар,
И н о қ кириб, ер ўпади.

Бўримисан, тулкимисан? Хўш, гапир!

И н о қ

Юртни талаб, нафсимизни қондирдик,
Овулларга ўт қаладик, ёндирдик!

У л т о н бўш, Б о й с а р и билан Ж у м а н занжирбанд олиб кирилади.

И н о қ

(уларни кўрсатиб)

Бу, Ултонбек, у, Бойсари оқсоқол!

Т о й ч а х о н

Асирлардан кишанларни ечиб ол!

Бойсари билан Жуманни бўшата бошлайдилар, Ултон ўзини Тойча
оёғига ташлайди.

Сурдов

(Жуманни туртиб)

Қани, энди сен ҳам хонга қил таъзим!

Жуман

То ҳаётман, ёвга бўлмасман таслим!
Ёв олдида гардан эгиш ор менга,
Тирик туриб, таслим бўлайми сенга?!
Менинг онам хоин бўл деб, туққан йўқ,
Мард шаънимга бундай доғлар юққан йўқ!

Тойчахон

Нима дейди?

Иноқ

Таслим бўлмайман дейди!
У ерда ҳам кўп иш кўрсатган эди!

Кўкалдов

Кўп лашкарни ҳалок қилди, бу баттол!

Тойчахон

Боғлаб бунни, элтинг зиндонга дарҳол!

(Жуманга.)

Бўйин товлаб, охир тушдинг қўлимга!

Ж у м а н

Ултон бўйин эгар сенга!

Т о й ч а х о н

(Қўл силтаб, бақиради)

Улимга!..

Олиб кетадилар.

Бу ким?.. Алпомишми?..

И н о қ

У эмас! Ҳоқон!

Т о й ч а х о н

А?.. Алпомиш қани?..

И н о қ

Алпомиш қочган!

Б о й с а р и

Қочган эмас! Ёвдан қўрқмас у йўлбарс!
Танҳо ўзи юз алпингга келар бас!
У Олойдан қувмоқ учун ёвларни,
Қийиллатиб қароқчилар-говларни,
Ўғрилларнинг адабини бермоқда,
Ўқ-ёйида битта-битта термоқда!

Т о й ч а х о н

Фурсатим йўқ, сўзлашингни бас қил, чол!

(Иноқдан.)

Бу, ким дединг?

И н о қ

Бу, Бойсари оқсоқол!
Кўп донишманд, эл ичида обрўли,
Ҳаддан оша ҳурмат қилар ўз эли.

Т о й ч а х о н

Тирик қолсин, менга қилса итоат!

Б о й с а р и

Ҳақ гап айтсам, қул бўлишга йўқ тоқат!
Сендеклар кўп босқин қилиб, койитган,
Зулм меъёрдан ўтиб, суякка етган!

Т о й ч а х о н

Бўйсун, ўз элингга қилайин ҳоким!

Б о й с а р и

Йўл бермайди ору номус, идроким!

У л т о н

Тавба қилиб, ҳоким бўлинг элатга!

Б о й с а р и

Ярашади, сен аблаҳ, беуютга!

Т о й ч а х о н

Чолнинг жойи зиндон!

Олиб чиқа бошлайдилар.

У л т о н

Мен сизга банда!

(Ииқилади.)

Б о й с а р и

Оёгини кўзингга сурт, шарманда!

Б о й с а р и н и олиб кетадилар.

И н о қ

Чиндан сизга содиқ банда бу Ултон.

У л т о н

Мушкулларим осон қиларсиз, ҳоқон!

Т о й ч а х о н

Қандай мушкул?

У л т о н

Бойсарининг қизи бор,
Шу гўзалнинг ишқида мен беқарор!

Т о й ч а х о н

Шундай дегин!.. Қаерда у беназир?..

И н о қ

Келтирилган! У ҳам шу ерда асир...
Қиз бўлса ҳам қилмишлари мардона,
Зардаси тез, бир ажойиб жонона.
Жанг қилди у бизлар билан, зўр келди,
Қиз зарбидан бир неча алп йиқилди,
Охир тутдик йўлбарс тутгандек алдаб,
Занжирбанду ҳамон баттар дарғазаб!..

Т о й ч а х о н

Келтир ўша қизни, бошқа қизларни.

Посбон кетади.

(Ултонга)

Сен ён босиб, хурсанд қилдинг бизларни!
Садоқатинг ҳақи, менга фарзанд бўл,
Бир қиз эмас, ўн қиз берай, хурсанд бўл!
Аммо битта айтадиган шартим бор!

У л т о н

Не десангиз, жоним билан мен тайёр!

Барчин, кейин Қалдирғоч, Тозагул ва бошқа
қизларни олиб чиқадилар.

Т о й ч а х о н

Уҳҳу!.. Булар танноз экан, соз экан!..

Сурдов

Бир-биридан серзарда, серноз экан!

Тойчахон

(бир-бир кўздан кечириб)

Ҳо, баракалла, Кўкалдов, талла сен, Сурдовга бор!
Сен, нари йўқол, манов ҳусндор, сен, Ултонга бор!
(Қалдирғочни.)

Манов бир жаҳон, олсин Қоражон!
Йўқ, менга қолсин, булар йўқолсин!

Сурдов

Сулув Барчин эсиз, Ултонга кетди!..

Кўкалдов

Қолиб биз бунда, у мақсадга етди!..

Қоражон

(четланиб)

Умр ўтгай бутун, жангу таловда,
Ёнар кўп бегуноҳ эллар оловда!
Бўлақларга бериб озору зўрлик,
Солиб тинч кўп элатга беҳузурлик,
Қизин тортиб олиб, бағрини доғлаб,
Келтирсак бегуноҳ кўпларни боғлаб!..
Шу ҳам иш бўптими?!..

(Қўл силтаб чиқиб кетади.)

Бошқалар чиқади. Тойчахон ҳам чиқади, Ултон, Барчин қоладилар.

У л т о н

Сени сақлаб, олиб қолдим ўлимдан!
Барчингинам!..

(Қўлидан тутади.)

Б а р ч и н

(жеркиб)

Йўқол! Тутма қўлимдан!
Жирканаман сендан! Келма ёнимга!

У л т о н

Барчингинам! Ором бўлгин жонимга,
Бегоналар орасида ўкситма!

Б а р ч и н

Бегонага сотқинлигинг унутма!

У л т о н

Сен асира! Нима десам унайсан!
Кўнмас бўлсанг, ер остига жўнайсан!

Барчин

(ария)

Урма дўқ, номард йигит! Кўнглимни бир жонони
бор,
Васлига мен вола-ю, васлимни саргардони бор.
Ишқдан сен сўз очиб, бу ҳақда менга берма дарс,
Аҳду паймонларга тўлган менда ишқ девони бор.
Жизгинак бўлдим сенингдек ишқнинг жаллобидан,
Уйлагайсанким, бу қишнинг қиймату арзони бор.
Уз умид, Ултон! Бу ишқ даъвосидан! Мумкин
эмас!
Бўлмагай ёринг сенинг, Барчин танида жони бор!

Ултон

Алпомишни дилдан чиқар, ундан кеч!

Тойча қулоқ солади.

Барчин

Ундан кечиб, сени дейми? Эй, йиртқич!
Нор йигитлар саркардаси норим у,
Мардлар марди, ботир вафодорим у!..

Тойчахон

(кириб)

Севганинг ким? Борми исму нишони?

Барчин

Севган ёрим арслонларнинг арслони!

Ултон

Менинг ўгай укам! Йўлда гов сизга,
Оти Алпомишу қаттиқ ёв сизга!

Барчин

Ултон тўғри айтди, ёвга беомон,
Ўз элига садоқатли, меҳрибон...

Тойчахон

Олиб чиқинг!..

Барчинни олиб чиқадилар.

Кўкалдов

Улуғ ҳоқон?.. Шу қиз менга берилсин...

Тойчахон

Аввал боғлаб, Алпомиш келтирилсин!..
Айт, Иноқбек! Борми тутиш имкони?

Иноқ

(хон қулоғига)

Тутиш учун, Барчин тузоқнинг дони...

Иккиси маъноли кулишгач, Тойча ўз қўли билан ҳаммага май қуйиб
узатиб, ўзи ҳам қадаҳ олади.

Тойча хон

Сулув Барчин бундалигин билмасдан,
Устимизга қилич тортиб келмасдан,
Даф қилмасак, ҳаёт учун таҳлика!

Иноқ

Ойбарчинга бўлай десанглар эга:

(Ултонга.)

Олой тоққа бориб, укангни ўлдир!

Тойча хон

Барчинга эга бўл, кўнглингни тўлдир!
Шартим шу! Тутмасанг, Барчин йўқ сенга!
Бошқа алплар эга бўлур Барчинга!

(Ўз сипоҳиларига мурожаат қилиб.)

Паҳлавон, азамат довларим!
Мўлжалга етган йўқ овларим!
Ўзбеклар ботири Алпомиш!
Уни ҳам йўқ қилиш — муҳим иш!
Ҳозир у яшармиш Олойда,
Тутишнинг муҳлати бир ойда!
Кимда-ким тириклай банд этса,
Ёинки бошини келтирса:

Совриним ҳокимлик ҳам Барчин,
Фармоним қатъий-ю ваъдам чин!

Ҳаммаси қиличларини ўпадилар.

Д о в л а р

Бу хизматга жон ҳазратим мени юбор,
Ўзбек элга ҳоким бўлай, Барчинга ёр!
Ёлғиз бориб, Алпомишнинг бошини олай,
Бош олишга содиқ қулинг доим тайёр!

Қадаҳ бўшатадилар.

П А Р Д А

Б Е Ш И Н Ч И К У Р И Н И Ш

Юксак Олой тоғлари сиртида, «Ойна» кўли бўйида, қалин арча,
пистазорлар бағрида тонг ёришиб келмоқда. Алпомиш ёлғиз ўзи
тошкўприк устида орқаси ўгирилган, қўлида таёқ, узоқларга назар
ташламоқда ва пастда қора кўланкалар кезмоқда.

А л п о м и ш

(ария)

Баланддан куйла, тинглар элу юртинг зора, Алпомиш,
Олар номингни тилга, ёд этар яқбора, Алпомиш,
Элинг эслашда ҳижрон кўксини қил пора, Алпомиш,
Вазифангдир муқаддас, тоғ аро овора, Алпомиш,
Муҳаббат бирла қилгил юрт томон назвора, Алпомиш.

Ўтиб бир-бир кўзингдан элу юртинг, ёру ўртоғинг,
Булоғинг, садда толинг, хилма-хил гулларга кон боғинг,
Тушиб ёдингга ёринг, қайрилиб сўз ташлаган чоғинг,

Ўтар кўз олдидан Ойбарчининг, муштоғу илҳоғинг,
Муҳаббат бирла қилғил юрт томон наззора, Алпомиш.

Аё дил истагинг мавжудлигин элдан муқаррар бил,
Йўлинг олис эрур, бу йўлда идрокингни раҳбар бил,
Садоқатли ишингда эл учун ўзни музаффар бил,
Ватан тупроғини зар англа-ю тошини гавҳар бил,
Муҳаббат бирла қилғил юрт томон наззора, Алпомиш.

Муҳаббатли кишилар элу юртни ёд этиб дерлар,
Етишмоқ шавқида гоҳ ўзларини шод этиб дерлар,
Кўнгулни бузмай асло, доимо обод этиб дерлар,
Саҳар булбул сифат юз дoston ижод этиб дерлар:
Муҳаббат бирла қилғил юрт томон наззора, Алпомиш.

Алпомиш атрофини ўраб келмоқда бўлган қора кўланкалар, Қ у л у н
т о й билан Т ў х л и м е р г а н н и тоғдан шошиб ўтиб келаётганини
кўриб ғойиб бўладилар.

Қ у л у н т о й

Топдик!.. Топдик Бойчеварни йироқдан:
Бир нарсани сезган каби бир ёқдан,

Т ў х л и м е р г а н

Кишнаб, сапчиб, ер тепинар бад олиб,
Гоҳ тикилар узоққа қулоқ солиб!

Қ у л у н т о й

Яқин бордик иккимиз ҳам келмай бўш,
Бизни таниб, тура берди жим, хомуш!
Тепмай-нетмай, бошга нўхта солдирди!

Тўхлимерган

Қилган иши бизни ҳайрон қолдирди!
Қандай сир у, кишнаб, ерни кураши?..

Қулунтой

Бир нарсага ёки келганми гаши?..

Алпомиш

От, олдиндан фалокатни сезади,
Шундан кейин кишнаб, ерни чизади,
Қулогини чимиради, боқади,
Арқон узиб, бир ёққа улақади.
Бунинг бундай қилишида бир сир бор,
Хушёрликни қўлдан бермайлик зинҳор!

Тўхлимерган

(узоқни бўйлаб)

Аллим! Анов кимдир?..

Алпомиш

(қараб)

Ким у?.. Қулунтой!..

Қулунтой

(қараб)

Елкасида хуржун, қўлида ўқ-ёй!..

А л п о м и ш

(тикилиб)

Ултон акам!.. Ултон акам!..

(Кетади.)

Т ў х л и м е р г а н

Ултонбек!..

Т ў х л и м е р г а н билан Қулунтой тоққа чиқиб кетадилар, А л п о м и ш билан У л т о н сўзлашиб кирадилар.

У л т о н

Бахтим ёрлиқ қилди, тополдим тирик!..

Ўтлов излаб, жуда узоқ кетгансиз,

Қадам етмас чўққиларга етгансиз.

Йигирма беш кундан бери излайман,

Жилғаларда от чопиб, гиз-гизлайман!

Тўхлимерган, Қулунтой келиб, сўрашадилар.

А л п о м и ш

(Қулунтойга)

Бор! Қўзи сўй!

(Тўхлимерганга.)

Қимиз топ!

Иккиси икки томонга кетади, Ултон хуржундан нон, гўшт, мешини олиб қўяди.

У л т о н

Насибага кулча, бир меши шароб...

А л п о м и ш

Айтинг ака, юртдаги ҳол-аҳволдан.

У л т о н

(уҳ тортиб)

Кўзларимга ёш келар бу саволдан!
Хон алплари босди бизнинг элатни,
Йигитларда мен қўзгаб ҳамиятни,
Жанг бошладим хонга қарши қанча кун,
Мағлуб бўлдик!.. Сотилди Жуман малъун!
Тақдим қилди юртни хонга, Бойсари,
Бойсаридан норозилар эл бари!..

(Кўз ёшлаб.)

Улдирмоқчи бўлди она зорингни,
Қалдирғочни, мени, Барчин ёрингни!
Қараб турмай бошга қилич тушгунча,
Олиб қочдим бир пайт қилиб у кеча!

(Сукунатдан кейин.)

Улар пастда қолди, тоққа ёпишдим,
Оҳ, хайрият!.. Эсон-омон топишдим!
Ҳол-аҳвол шу!..

А л п о м и ш

Лаънати босқинчи хон!
Етиб бориб, сенга бермаймиз омон!..

У л т о н

Онанг муштоқ!.. Ёнларига борайлик,
Ойбарчинни ташвишдан қутқарайлик,
Йиғлаб-йиғлаб эси кетди Қалдирғоч,
Ростин айтсам, озиқ тугаб, улар оч!
Тур!..

Алпомиш сапчиб туриб, юқори чиқади, бақиради.

А л п о м и ш

Қулунтой!.. Эгарлансин Бойчевар!..

Алпомиш ўзи узоқлашади. эмаклаб, с и п о ҳ и л а р пайдо бўлади.

У л т о н

Алдовимга лаққа тушди... Бахтим ёр!..
Бориб айтинг, бўлсин сиртмоқлар тайёр!

(1 сипоҳининг кўлдан сув ичаётганини кўриб.)

Ҳо, бетамиз! Кўлдан нега ичдинг сув?

1 с и п о ҳ

Чанқаб кетдим!

У л т о н

Заҳарланган! Ҳлдиради сени у!

(Шарпа сезиб.)

Яширининг!

Яширинадилар.

Ё қопқонга илинар,
Ёки заҳаримдан кўкси шилинар!

(Айронни заҳарлаб туриб, узоқдан бировни кўради.)

Келаётган Қоражон-ку!.. Ҳе, аттанг!
Нима бўлар эди, етиб келмасанг!

(Ҳйланиб.)

Кенг ўрмонда икки овчи, бир арслон...
Дуч келишсак, сир очилар бегумон.

Қ у л у н т о й

(шошиб кириб таёқни олади.)

Бўри чопти! Қирилмоқда қўй, қўзи!

У л т о н

Қизиқ. Бўри чопса куппа-кундузи...
Алпомишни от ёнида кутаман!
Бориб айтгин!

Қулунтой

Хўп! Едимда тутаман!

Ултон кетади, Қулунтойнинг йўлини иккинчи томондан кирган
Сурдов тўсади.

Сурдов

Тўхта! Менга кераксан, чўпон!

Қулунтой

Дўқ урмасдан гапира бер, эй, меҳмон!
Нима керак?..

Сурдов

(қорин силаб)

Барра кабоб тайёрла!

Қулунтой

Шундан бошқа ишим йўқми? Э, ол-ла!

Сурдов

(ёқасидан тутиб)

Қимиз келтир!

Қулунтой

Сен садқаи қимиз кет!

(Итариб юбориб, кетади.)

Сурдов

Қайт, эй, чўпон! Меҳмон қилай ҳам демайди!..
Эҳ, сурбет!..

Қоражон

(кириб, кулиб)

Кўриб турдим, бир чўпондан бошландинг,
Бир силтовди, ерга бориб чапландинг!
Ҳали сенми, қўриқловчи шеригим?
Одам қуригандек, сен билан келдим!..

Сурдов

(бир томонга анқаяди)

Алпим қара! Ана, чов солди бўри!

(Қараб.)

Буларнинг туну кун йўқдир ҳузури!
Бу тоғда йилқи асраш, пода сақлаш:
Тешилган кемани дарёда сақлаш!
Чўпонларга қийинлик дуч келар кўп!..

Қоражон

Кенжадов киради, унга.

Кўмак бермоқ учун бормоқ керак!

Кенжадов

Хўп!

Қоражон билан II синопҳ кета бошлайдилар.

Сурдов

Қўмак берма уларга! Қайтгин алпим!
Улар шу йўл билан енгилса балким...

(Қўл силтаб.)

Менга хоҳ бўри-ю, хоҳ одам ўлсин!

(Тиқилиб.)

Хаҳ-хаҳ-хаҳ... Бўғишга кирди чўпон, ўлди бўри!
Чўпонлар, одамизод бўлмағури!

Қоражон

(Кенжадовга сўзлаб киради)

Йўғон бир бўрига тенг келди танҳо!

Кенжадов

Ҳақиқий мардлик кўрсатди аммо!..
Бўларкан бу чўпонлар анча чаққон.
Тушундим! Зўр экан дунёда инсон!

Сурдов

У, Алпомиш эмасми?

Қ о р а ж о н

Юзлашармиз,
Тутиб бел, куч синармиз, сўзлашармиз!

А л п о м и ш либослари титилган, ҳорғин, оқсаб киради, унинг орқасидан Т ў х л и м е р г а н, Қ у л у н т о й ва бошқа ч ў п о н л а р киради.

Т ў х л и м е р г а н

Бу баттол бўри, охир тушди қўлга!

А л п о м и ш

Акам қайда?

Қ у л у н т о й

Акангиз тушди йўлга!
Оти ёнида кўз тутмоқчи бўлди,
Етиб борсин деди, кутмоқчи бўлди.

А л п о м и ш

Борай тез! Бойчеварни келтир илдам!
Онам, синглим, вафодор ёр!..

Қ у л у н т о й

Олинг дам.

Т ў х л и м е р г а н

Тутайлик, Бойчеварни нуқталайлик,
Етиб бир оз қилинг андак фароғат!

А л п о м и ш

Ичай! Сув келтиринг!

Т ў х л и м е р г а н

(Кўзани тутади.)

Раҳмат!

Алпомиш ичмоқчи бўлганда, Сурдов кўзачани тортиб олади.

С у р д о в

Ичай мен айронингни! Ич ўзинг сув!

(Ича бошлайди.)

А л п о м и ш

Ўзи ким?... Ҳам қандай бетамиз бу?..

С у р д о в

Ўзинг кимсан? Олой сиртда ётарсан,
Кими чорвасини сен ўтлатарсан?..
Танитгин кимлигингни! Хўш?.. Ўзинг ким?..

А л п о м и ш

(кулимсираб)

Келибдирсан, мени тутмоққа балким?

Қ о р а ж о н

Агар дўст келса-чи?..

А л п о м и ш

Жоним поёндоз!
Оёрига унинг, қўй сўйса ҳам оз!..

С у р д о в

(бўғилиб)

Менга ирқингни айт ҳам кимлигингни!

А л п о м и ш

Башар авлоди! Ирқим: одам ўғли!

С у р д о в

Улуғ довман, сенга бўри эмасман,
Белимдан тутсанг ўнганг: ғам эмасман!
Келиб кўр менга тенг!

Қ о р а ж о н

(кулиб)

Топдинг тенгингни!

А л п о м и ш

Дўғингдан пайқаб олдим кимлигингни!

Сурдов Алпомишнинг ёқасига ёпишади, Алпомиш унинг билагидан тутади, Сурдов йиқилади.

С у р д о в

Вай-вай-вай-вай!...
Оғриди!.. Бу, чинми, ҳазил?..

(Қоражонга.)

Жон алпим! Бу билан сен олишгин бел!
Бошингдан ошириб, сўнг ерга ургин!

(Бўғила бошлайди.)

А л п о м и ш

Наҳоят чарчаганман, холи қўйгин!

С у р д о в

Бўлак довларни мен бошлаб келарман!

(Бўғилади ва ёта бошлайди.)

Тириклайча сенинг пўстинг шиларман!

А л п о м и ш

(Қоражонга)

Ўзинг ким? Не учун бу ерга келдинг,
Мени ким фаҳмадинг, кўпроқ тикилдинг?..

Қ о р а ж о н

Етим ўсган, қадрсиз Қоражонман,
Кўнгилсиз қилмишимдан бағри қонмен!
Олиб нохуш хабар, чопдим ёнингга,
Десам нохуш хабар қаҳр этма менга!
Босиб ўзбек элини бизнинг ҳоқон,
Бўлиб жанг, оқди дарёга тўлиб қон!
Енгилди ўзбек эл, юрти куйди, ёнди,
Элатнинг молу дунёси таланди,
Ҳамма довларга фармон бўлди хондан,
Ураб, қуршаб келармиз ҳар томондан,
Қочиб Алпомиш элдан! Жони ширин,
Яшармиш бу Олой товда яширин!
Тутиб, боғлаб уни, топширса ҳар ким:
Бўлар Барчинга ёр, юртига ҳоким!
Қидиргайлар сени!..

А л п о м и ш

Балки ўзинг ҳам?..

Қ о р а ж о н

Менинг дардим бўлак, менда бўлак ғам!

А л п о м и ш

Ғамингни қил ҳикоя, сўзла дардинг!

Қ о р а ж о н

Туну кун излагайман пойи гардинг!
Ишим босқинчилик, касбим ёвузлик,

Йўлим доим қоронғи, қилмишим кек,
Ёмонлар ёнида босдим ёмон йўл,
Биз ўтган боғлар ўрни бўлиб чўл,
Улуғ ҳоқонимиз хурсандлиги деб,
Қуритдик кўпгина ёстиқни, дайдиб!

(Пауза.)

Тушундим мен кейин, қайтдим йўлимдан,
Менга бўл раҳнамо, ушла қўлимдан!

(Тиз чўкади.)

А л п о м и ш

Танийсанми мени?

Қ о р а ж о н

Алпомиш арслон!

А л п о м и ш

Бунинг найранг эмасми? Яхши меҳмон?..
Мени тутмоқ учун бир пайтни чоғлаб,
Агар ўнғай келиб қолганда боғлаб,
Шунинг-чун келсангу, номард бўлсанг.

(Арқон бериб.)

Қўлимни боғла, майли, бўлма дилтанг!
Олиб бор бошқалардан илгарироқ,
Элимни ёқма-ю, элтиб мени ёқ!..

Қ о р а ж о н

Ишон Алпомишим, айтган сўзимга!

А л п о м и ш

Юракни кўз қилиб, боққин кўзимга!

Қ о р а ж о н

Бўлай шогирд сенга!

А л п о м и ш

(кўзига узоқ тикилиб)

Хўп, мен ишондим!

Қ о р а ж о н

(қўлини кўксига қўйиб)

Қилай хизмат сенга!

С у р д о в

(бўғиқ товуш беради)

Енмоқдаман!..

А л п о м и ш

Жиммм!..

С у р д о в

Оҳ!..

Тўхлимерган

(киради)

Кўл бўйида жон бермоқда бир сипоҳ!

Чўпонлар оғзи қон Сурдов жасадини олиб чиқадилар.

Қо ра ж он

Ҳалиги Сурдов!
Тойчахон бандаси, сизга қаттиқ ёв!

А л п о м и ш

Нима қилиб ўлиб экан бу дайди?

Қо ра ж он

(кўриб)

Оғзида қон! Заҳарланганга ўхшайди!

Алпомиш ишораси билан уни чўпонлар олиб чиқадилар, Қулунтой
киради.

Қ у л у н т о й

Қўй сув ичиб мана шу ойна кўлдан,
Ҳозиргина ўттизтаси қирилган!

А л п о м и ш

Кўл сувини заҳарлаган ким бўлди?

(Қоражонга тикилади.)

Қ о р а ж о н

Балки душман заҳарлаган?..

А л п о м и ш

Эй, тулки!

(Еқасидан тутади.)

Бу, ўзингсан! Мендан ўч ол, эй гумроҳ!
Ўтловдаги қўй-қўзида не гуноҳ?
Гапир, жосус!

Қ о р а ж о н

Мен қилмадим бу ишни!

К е н ж а д о в

Биздан кўрманг, жон алпим бу ташвишни!
Алпомиш Кенжани ҳам бир қўлида тутиб силтайди.

А л п о м и ш

Чорваларда сенинг қандай ўчинг бор!
Кўрсат кучинг, қани қандай кучинг бор?..
Чўпонлар Қайқубодни тутиб кирадилар.

І ч ў п о н

Алпомишим! Тутдик ёвуз душманни!

И чўпон

Ойна кўлини заҳарлаганни!..

А л п о м и ш

(таниб)

Нима қилиб юрибсан? Эй, Қайқубод!
Заҳарлаган санми?

Қ а й қ у б о д

Дод!.. Сотқиндан дод!..
Заҳарлаган Ултон аканг!..

А л п о м и ш

А?!

Қ а й қ у б о д

Шундай!..
Ёлгон айтсам, тил тортмасдан мен ўлай!
Босқинчи хон лашкар тортиб...

А л п о м и ш

Хабарим бор! Бўлди, бас!

Қ а й қ у б о д

Қулоқ солгин бир нафас!
Ултон аканг хонин! Хонга сотилди!

Ойбарчинга уйланишга қотилди!
Сени тутиш учун келган!

Қ о р а ж о н

Рост бу гап!

А л п о м и ш

Ҳозир шу ерда эди!

Қ о р а ж о н

Тутмоқчи алдаб!

А л п о м и ш

Онам, синглим, Ойбарчиним қаерда?

Қ о р а ж о н

Хон зиндони юртдан олис бир ерда!
Ҳаммалари ана ўша зиндонда,
Бу зиндоннинг ихтиёри Ултонда!

Қ а й қ у б о д

Билганларим сўзлаб берай!

А л п о м и ш

Фурсат йўқ!

Қайга кетди, одам сифат у махлуқ?..

Қайқубод

Отга миниб, тез етиб бор элатга,
Фурсат берма бир нафасли муҳлатга!

Қ о р а ж о н

(тиз чўкиб)

Шамширзан қирқ йигит бор ёнимда,
Ҳар доимо амримда, фармонимда!
Сарлашкарим сенсан, соҳиб фармонсан!

А л п о м и ш

(сипориш қилиб)

Зулмга қарши кучсан, марди майдонсан!

(ўзича)

Во ажабо! Бир ёт йигит менга ёр,
Аmmo акам, қоним учун бадхумор!..

(Қоражонга.)

Бу ҳимматинг, чин инсонлик ҳиммати,
Қон қақшаган минг-минг элнинг ҳурмати!
Ишонаман, лашкарларинг юз бурмас!

Қ о р а ж о н

Ишондингиз менга, шунинг ўзи бас!
Лашкарларим ҳон ишидан норози,
Халқнинг лаънат, қарғишидан норози!

А л п о м и ш

Атрофингни мустаҳкамла, одам йиғ,
Ичдан туриб кўргин пухта тайёрлиғ!
Оқ йўл дўстим, бор, олгину олдирма,
Мард номингни номардликда қолдирма!
Хайр!

Қ о р а ж о н

Хайр!..

(Сипоҳ билан чиқади.)

Хайр!

А л п о м и ш

Бу иш маъқулми?

Қ а й қ у б о д

Жудаям маъқул.

Мард қўлида ечилади ҳар мушкул!
Тарашлардим, тушса аканг қўлимга!

А л п о м и ш

Келган экан қопқон бўлиб йўлимга!
Тезроқ кетинг, келганингиз яширинг!

Қ а й қ у б о д таъзим қилиб, тез жўнайди ва кўздан ғойиб бўлади.
Алпөмиш баландликка чиқиб, чўпонларга қичқириб фармон беради.

Чорваларни баланд тоғдан оширинг,
Бўта тойлоқларни ҳайдаб Олойдан,
Ўтлоқ топинг кенгроқ, қулайроқ жойдан!

Тўхлимерган, Қулунтой кирадилар.

(Буларга.)

Тезроқ кетсин топширигим олганлар!
Қуролланиб, отга минсин қолганлар!

И к к и с и тез чиқади.

(Ичишга сув истаб топмагач, кўзани қўлга олиб қарайди.)

Қолдирмасдан ичди айронни! Зангар!
Нима қилдим?.. Ичай десам, сув заҳар!

(Ичига қараб.)

Бир қултум бор...

(Ичади.)

Томоқ ҳўлланди!

(Қоражон кетган томонга кулиб қараб.)

Қоражонни муҳим ишга йўлланди...
Оҳ, шўрлик эл! Қон қақшаган, зор-гирён!
Мадад кутиб, йўлга кўзлар нигорон!

Кўприк устига чиқиб, узоқларга бўйлайди.

(Ария.)

Ус кўнгул, истакка етмакнинг таманноси билан;
Қил видо юксак Олой қир, тоғу саҳроси билан.
Бизни ташлаб кетди деб, ўксинмасинлар дўстлар,
Отга минсам боргали, ёв зулму ғавғоси билан.
Бўрилар бўғмиш қариндошларни юрт майдонида,
Эл бўялмиш қонига, анҳору дарёси билан.
Қўлга Алпомиш қурол ушла, таёғинг ўрнига,
Ёвларинг устига от қўй ишқ яллоси билан.

Ария давомида Алпомиш бўғила бошлайди, томоғини силаб, қийналади, қора соялар чангал ёзиб, адир атрофини ўраб келадилар. У л т о н пайдо бўлиб, уларга ишора қилади, Алпомиш устига ташланадилар, олишувлардан кейин Алпомиш нафаси қисилиб, енгилади. Устига қора чодир ташлаб, тутиб олиб кетадилар, Ултон бойқушдек чах-чахлаб кула бошлайди, ғазаб музикаси баландга кўтарилади.

П А Р Д А

УЧИНЧИ ПАРДА

ОЛТИНЧИ КҮРИНИШ

Биринчи кўриниш ўрнида мудҳиш харобазор, ўртада қўрқинчли дор, халқ ночор ҳолда, осмонда қора булутлар кезмоқда, шамол қутуриб, бўкирмоқда.

Мунгли музика остида хон довларни қилич яланғочлаб қўли занжирбанд, кўзи боғлиқ Алпомишни дор тикилган тепаликка олиб келадилар, довларнинг қаршиликгига қарамасдан халқ босиб кириб, ўрай бошлайди.

Кўкалдов

Тойчахонга ким қаршидир, ким ёвдир:
Жойи зиндон, қисмати дор, оловдир!..

Халқ орасидан хотинлар йиғиси эшитилади.

Алпомиш

(ария)

Бўларми зоғ учун боғ ошиёна,
Ғазаб ўқига ёв кўкси нишона
Туширманг руҳингизни ота, она,
Қилинг жанг ёвга қарши ғолибона

Ҳасоратдан етар элнинг нажоти,
Қолар тилларда сўнг мардларнинг оти,

Уринг, синсин у шум бойқуш қаноти,
Қилинг жанг ёвга қарши голибона.

Халқда жонланиш.

Монолог

Эй, саргардон эллар, сарсон элатлар,
Хонавайрон эллар, гирён элатлар!
Ев олдида асло гардон букманглар,
Йиғламанглар, ҳаргиз кўз ёш тўкманглар!
Мен Алпомиш асир, занжирда, мағлуб,
Аммо орангизда алпомишлар кўп!
Сизлардирсиз мени Алпомиш қилган,
Сизлардирсиз чин мардликни пеш қилган!
Қилганда бургутлар осмонда парвоз,
Ерда қашқир қилур кўрқувдан овоз!

Халқда жонланиш.

Иноқ

(кўриниб)

Қулоқ сол халқ!..

Кўкалдов

Уқилур хон фармони!

Иноқ

Жим бўлинглар!..

Қайқубод

(кўринмай, халқ орасидан)

Гапир! Хоннинг шайтони!

Иноқ

Хушингни тўпла-ю тингла халойиқ,
Бег Ултон хизмати таҳсинга лойиқ!
Олой тоққа бориб, бошлаб улуғ жанг,
Енгилди сўнгра Алпомиш бўлиб танг,
Қароқчи тўдаси қочди, қутулди,
Фақат Алпомиш ушланди, тутулди.
Заҳарлаб кўлни, қанча молни қирган,
Талай чорвани йўқ қилган, совурган!

I чол

Бу, тухмат унга!..

II чол

Алпомишга бўҳтон!
Ишонмас бунга эл!.. Э, тулки Ултон!

I чол

Хиёнаткор ўзинг!..

II чол

Сен ёвга сотқин!

Қўкалдов

Гуноҳқор осилар!

І ч о л

Ултонни осгин!..

Элатнинг ҳукми шу: хоинга кун йўқ!
Ажалдан қўрқмаю, эл қаҳридан қўрқ!
Хиёнаткор эмас, унга ишонч зўр,
Фидокорлик билан у элга манзур!

Қулунтой

Енгилмас эрди Алпомиш қилиб жанг,
Уни қўлга туширди ҳийла-найранг!

Тўхлимерган

Муҳим ишга бўлиб банд, тоғда қолдик,
Уни ёлғиз қўйиб биз, доғда қолдик!

І ч о л

Кўринсин бизга Ултон! Юзи бўлса!..
Гапирсин бизга, қанча сўзи бўлса!

Халқ тасдиқлайди.

У л т о н

*(Ҳоким кийимида мулоим кўринади, жилмайиб,
салом беради.)*

Биларсиз ҳаммангиз, мен кимлигимни,
Элатга мен букун ҳокимлигимни!

Муродим яхшилаб хизмат қилишдир,
Ҳамиша иззату ҳурмат қилишдир!..

Халқда нафрат.

А л н о м и ш

Кесатма элга кўп, ҳокимлигингни!
Билар эл мақсадингу кимлигингни.
Бу эл кўп ҳокиму хонларни кўрган,
Қиличлик қанча меҳмонларни кўрган,
Бу бошларда синиб чингиз таёғи,
Бу танларни эзиб отлар туёғи,
Яна эл қолди-ю, ёв топди барҳам!
Уларнинг сўзини қайтарма сен ҳам!
Жаҳонга қанча сотқин келди, кетди,
Келиб, қилган иши: элни койитди!..

Халқда жонланш.

О й и м ж о н

(Кўзи кўр, қўлида ҳасса, халқни ёриб, куйлаб киради.)

Босди душман, топиб баҳона, болам,
Қайдасан энди, шернишона болам?..
Сотди Ултон аканг элинг ёвга,
Сотилиб у мунофиқона болам.
Боғларинг ўртасига дор тикилиб,
Бўлди Бойқушга ошиёна, болам.
Кўзларим гавҳари оқиб тушди,
Жисму жон куйди ёна-ёна, болам.

Х а л қ

Кўп оталар хор, кўп оналар зор,
Кўплар саргардон, сарсон, дилафгор.
Босқинчи алплар қийнаб, азоблаб,
Кўп бегуноҳлар ноҳақ гуноҳкор!..

А л п о м и ш

Онажон!..

О й и м ж о н

Болажон!.. Алпомиш!.. Сенми?
Занжирбанд эмишсан! Шу гаплар чинми!

А л п о м и ш

Евга бўйин эгмай, бўлдим занжирбанд!

О й и м ж о н

Руҳингни туширмай, қаддинг тут баланд!

А л п о м и ш

Мардликка ўргатгансиз, сиз, йўргакда!

О й и м ж о н

Мард номинг яшайди ҳар пок юракда!

А л п о м и ш

Осмоқчилар дорга!.. Хайр энди, она!..

О й и м ж о н

Хайр болам! Эл учун бош бер, мардона!

Х а л қ

(қўзғалади)

Алпомиш ўлмас!

Алпомиш ўлмас!

И н о қ

(Ултонга)

Уни ҳозир осиш, ҳеч мумкин бўлмас!
Бу халқ ҳаммамизни қилар тош бўрон!

(Халққа.)

Алпомишни осиш: мутлақо ёлгон!
Шунчаки дағдаға, шунчаки синов,
Онт ичса, хонга мен бўлмайман деб ёв,
Алпомиш бўлади эртага озод!
Бунга хафа бўлмай, тарқалинглар шод!

Х а л қ

Уни озод қилмай, йўқдир иложинг!

А л п о м и ш н и о с м а й, о л и б к е т а д и л а р.

И н о қ

Йўл беринг ўтишга! Пўшт!.. Пўшт!.. Йўл очинг!..

У л т о н, И н о қ қуроли аллар паноҳида чиқиб кетадилар, халқ
ҳам эргашиб чиқаетган эди, рубоб чалиб Қ а й қ у б о д киради, иккин-
чи томондан эҳтиёткорлик билан Қ о р а ж о н кириб, Қулунтой билан
Тўхлимергани четга тортади ва шивирлайди.

Қ о р а ж о н

Мен бор, Алпомишдан бўлинг хотиржам,
Хўп дейди Қўкалдов, мен нима десам,
Қўкалдовни алдаб, фурсат пойлайман,
Қутқазининг йўларини чоғлайман.
Иш боради биз гаплашган йўсунда...

(Пичирлайди, бир нарсаларни уқдиради, тез кетади.)

Қулунтой Қайқубодни четга тортади.

Қ у л у н т о й

Алпомишни қутқазамиз шу тунда.

(Тўхлимерган билан у ҳам кетади.)

Қ а й қ у б о д

*(Халқ орасига кириб, рубоб чалиб, куйлаб юриб,
одамларга аста-аста бир нималарни тушунтира бошлайди.)*

Р е ч и т а т и в

Қўзғалинг эй, бенаволар қўзғалинг,
Ғам асири, мубталолар қўзғалинг.
Йиғламоқдан муддао ҳосил эмас,
Ёру, дўсту ошнолар қўзғалинг.
Ёвга қарши қўзғалинг, ушлаб қурол,

Бахтидан бўлган жудолар, қўзғалинг.
Ноумидликдан қилиб дилни халос,
Дард учун изланг даволар, қўзғалинг,
Онтаринг дорни, узинг арқонини,
Евга қилмай илтижолар, қўзғалинг.

Халқ баб-баравар қўзғалиб, дорни йиқитишга, қонли арқонни тилка-
пора қилишга бошлайди.

ЕТТИНЧИ КУРИНИШ

Кўриниш олдида.

У л т о н билан И н о қ тўй либосида саҳна олдидан ўта бошлайдилар.

И н о қ

...Сезасизми? Халқ ишончи йўқолган,
Сизга қарши халқ ғазаби куч олган!..
Эй, жон бегим!..

У л т о н

Кимлар улар?.. Билайин!..
Бир маслаҳат беринг, қандоқ қилайин?..

И н о қ

Бир бахши чол куйлар, халқни оралаб,
Иғво қилар ҳар бурчакдан моралаб!..
Қоражонга тутқич бермас, ушлатмас!
Қулоғимиз тинчир! Шуни тутсак бас!
Вақт ўтказмай ушлаб, қаманг шу чолни!

Қ о р а ж о н

(қулоқ солиб туриб сўнг, кириб)

Қамаш керак!..

У л т о н

Айт юртдаги аҳволни!

И н о қ

Вазият, тинчликми?

Қ о р а ж о н

Сув сепгандек жим...

Қочганлар ҳам келиб, бўлмоқда таслим!

Қорақалпоқ ниқобида Алпомиш, Қулунтой ва Тўхлимерган қўлларида совға-салом билан кўринадилар.

И н о қ

Булар ким?..

Қ о р а ж о н

Меҳмонлар... Қардош влатдан!

Чавандозлар ҳозир тушишди отдан!

Алпомиш қўлидаги тўёнани тутеди.

И н о қ

Қаердан келдингиз?..

А л п о м и ш

Биз Қорақалпоқ!
Рухсат сўраб кирдик, кирмай бесўроқ!
Ижозат бер, пойгангда от чопайлик,
Соврун олиб, иззат-ҳурмат топайлик...

У л т о н

(Алпомишга)

Рухсат!..

(Иноққа.)

Қани юринг!..

(Чиқади.)

Қ о р а ж о н

Уччовингиз тўйхонага марҳамат!..

Булар ҳам чиқадилар, парда очилади: кенг тепаликка қурилган даҳ-мазали ўтов олдида У л т о н билан И н о қ майхўрлик қилмоқда, ялангда халқ тўпланиб, ўртада кураш рақси бормоқда, курашда ғолиб чиққанларга Ултон соврун бермоқда.

Х а л қ

Ким ботиру ким миғфов,
Ким ҳушёру ким анқов.
Найранг қилмай бел олсин,
Чиранмасин, мен деб дов!
Мардлар кирсин майдонга,

Майдон йўқ ширин жонга,
Гирром чиқсин майдондан,
Мардлар кирсин майдонга.

Алпомиш билан Кўкалдов курашиб, Алпомиш йиқитади, Кўкалдов
гирромлик қилиб, жанжал кўтаради.

К ў к а л д о в

Бу тўғри эмас! Йиқитти чалкаш!

Қ о р а ж о н

Қойил қилиб урди, бўлма пасткаш!

У л т о н

Берилмас соврун унга! Кўрганим йўқ!

А л п о м и ш

Яна ҳам ерга қаттиқ урганим йўқ!

(Кўкалдовга.)

Қозикдек қоқмадим ҳам, қарсагинг чол,
Кўриб турсин бегинг, қайта белим ол!

И н о қ

(Кўкалдовга)

Боринг, отга мининг! Яйловда пойга,
Харидор бўлса ким Қалдирғоч ойга!
Уни совринга қўйди ҳоким Ултон!

А л п о м и ш к е т а д и , о д а м л а р җ а м э р г а ш и б ч и қ а б о ш л а й д и .

К ў к а л д о в

Чиқинг довлар, мининг отларга чаққон!

Бўлакка кетмасин энди бу қиз ҳам!

Довлар ҳам чиқадилар.

И н о қ

Қорақалпоқ йигит орттирди шубҳам!

К ў к а л д о в

Сезилгай менга у, маккору душман!

И н о қ

Уни таъқиб қилиб бор!

К ў к а л д о в

Тез борай ман!

И н о қ

Уни тутмоқ учун оддан қулатинг,
Бўғиб, кўздан йироқроқ жарга отинг!
Тутиб ҳамроҳларини, йўқ қилинглар,
Қолар қиз сизга...

(Истеҳзо.)

Кўнгулни тўқ қилинглар!

Кўкалдов ҳам тез кетади, ташқарида, узоқда оломон қичқирғи, от дупурлари эшитилмоқда, Ултон, Иноқ майхўрликда, қиз-жувонлар тепаликда пойгани қузатмоқда. Бекач улар орасида кезиб воқеанавислик қилмоқда.

Б е к а ч

Қаранг, қизлар! Энди пойга бошланди,

Ҳ у л к а р

Жамбилқашқа жийран, олдин ташланди!

І ч о л

(ўзича)

Қани! Бу пойгада бўлса Алпомиш!..

Қ а л д и р ғ о ч

(эшитиб)

Менга ҳар соат ортди ғам, ташвиш..

Т о з а г у л

Кўкбодом ўзди илгарига! Қаранг!

Б е к а ч

Кўкалдов орқада қолди! Ҳе, аттанг!

Қалдирғоç

Мунча ҳам шўр экан бу пешона,
Ишим андуҳ, куним ғарибона!
Акасиз қолдиму ишим душвор,
На кўнгулда қарор ва танда мадор!

(ария)

Бу чавандоз ёвми ё дўстлар ниқоб остиндадир?
Зарбидан дов аҳли қўрқув, изтироб остиндадир.
Войким, ҳусним менинг бахтим учун ёр ўлмади,
Тўлғанур тан, қийналар жоним, азоб остиндадир.
Кўзларим ҳарёнга телмургай, кутишдан бир нажот,
Бир гуноҳқордирки, тафтишу ҳисоб остиндадир.
Келмади жоним акам, бўлса тирик келгай эди,
Оҳ, васлимнинг талаши юз шитоб остиндадир.

Йигитлар билан Алпомиш киради, эргашиб халқ киради.

Халқ

Боракалло, кўрма дард ҳаргиз чавандоз, офарин,
Пойгада отни суриб ёлғиз чавандоз, офарин.
Минг тасанно сенга, гарчи биз учун сен нотаниш,
Тан бериб дер ҳар йигит, ҳар қиз: чавандоз офарин.

Иноқ

(Кўкалдов қулоғига)

Тайёрланинг энди боғламакка,
Ханжарда танин чавоғламакка!

(Алпомишга чакман тутиб)

Баракалло, қорақалпоқ чавандоз!
Сенга қанча соврун берсак, шунча оз!

Чакмон кийдириш баҳонасида тутмоқчи эди, Алпомиш чакмонни гор-
тиб олиб, улоқтиради.

А л п о м и ш

Қиз дегансиз, пиёзи чакман эмас!

И н о қ

Ола бер жон деб уни! Э, эси паст!

А л п о м и ш

Қани Қалдирғочи? У менга керак!

И н о қ

(итариб)

Кет, қорақалпоқ!

А л п о м и ш

Узингни бос, тентак!
Тушди ишқим менинг, у таннозга!

У л т о н

Топширинг қизни, бу чавандозга!

(Узича.)

Кетса-кетсин узоққа Қалдирғоч!
Кўрганимда бошимдаги ҳамма соч
Тик турар! Қаҳрдан кўзим чақнар!..

И н о қ

(Кўкалдовни ишқаб)

Яхшими? Қиз бўлакка кетса агар!..
Бу аҳвол сиз учун номус эмасми?

(Ултонга.)

Бегим!.. Бу Қалдирғоч довларнинг хасми!

К ў к а л д о в

Жон ҳовучлар мени кўриб арслон!

И н о қ

Қорақалпоққа берманг энди омон!

Кўкалдов ханжар тутиб, Алпомишга ташланади, Алпомиш биллагидан
тутиб, букади, халқда жонланиш, ҳаяжон.

У л т о н

Нима?.. Жангоҳми ёки тўйхона?!

К ў к а л д о в

Биз қолиб, қизни олди бегона!

У л т о н

Пойгада ўзди у! Бу қиз уники!

Қ о р а ж о н

От чопишларда йўқ экан тенги!

Ултон ишораси билан Бекач Қалдирғочни «Қорақалпоқли чавандоз»га топширади.

Қ а л д и р ғ о ч

Олди соврун, мени бу ёт! Ҳайҳот!

А л п о м и ш

(аста)

Ёт эмасман, элингга мен авлод!

У л т о н

Ҳурматли чавандоз, айтгин отингни,
Касбингни, элдаги машғулотингни!

А л п о м и ш

Сенга не учун керакдир отим?
Саҳрода кечар менинг ҳаётим!

У л т о н

Лашкарбоши бўл!

А л п о м и ш

(алларни кўрсатиб)

Шуларгами? Қўй!
Сенга сифинишни қилмасдим ўй!
Эл ташвиши — ташвишим бўлибдир,
Мушкулни ечиш ишим бўлибдир!

(Қоражонга тикилади.)

Сен анча дуруст йигит кўриндинг,
Ҳақ ишга қизиқдингу уриндинг!
Ол!..

(Қалдирғочни тутиб.)

Сенга муносиб қиз экан бу!

Қ о р а ж о н

Раҳмат! Ҳақ жойини топти!

(Қалдирғоч қўлидан тутиб.)

Кел, э, хушрў!..

Қ а л д и р ғ о ч

(Алпомишга)

Раҳмат сенга эй, карамли хотам!

Х а л қ

(шов-шув)

Марднинг иши!..

Бундақаси учраган кам!

У л т о н

(ўшқиради)

Сен, нега ўзинга ёр қилмай,
Бердинг, мени эътибор қилмай?..

А л п о м и ш

Бор, элда менинг вафоли ёрим,
Олмиш менинг ақлу ихтиёрим!
Тўйдан қиз олиш менинг учун ор!

Қ о р а ж о н

Зўр базм қилишга ҳамма тайёр!

И н о қ

(Кўкалдовга)

Қоражон шубҳамни орттирди бир оз,
Унга дўст кўринар душман чавандоз!..

Қ о р а ж о н

Бошланг, қани! Базми шодиёна!

Иноқ

Мақсад бўлагу бу тўй баҳона!..

Алпомиш

(чирманда чертиб ўртага тушади, куйлаб, ҳамманинг диққатини жалб қилади.)

Шарафли тўйга келинг, дўстлар, қадрдонлар,
Севимли ёру қадрдон, қадрдонли меҳмонлар.
Висол базмида тўй бошланиб, чалингай соз,
Ажаб эмаски битар дилдаги бу армонлар.
Ўқилса ишқу муҳаббат қўшиқлари элда,
Тарона қилса йигитлар, қўшилса жононлар.
Қўлимда коса, Бек Ултон буқун бўлиб соқий,
Узатса бизга қадаҳ, ёвларим ютар қонлар.

Халқ

Бу тўй баҳонасида шавқу-завқ тўлиб тошсин,
Қадамни ташласин энди у яхши давронлар.

Ултон эриб, Алпомиш бошидан олтин сочади.

Алпомиш

Посбони мен бўлиб, юртингда эй, ёр, айланай,
Юммайин киприкларим, тунларда бедор айланай.

Қулунтой, Тозагул

Сен агар бир марта айлансанг бу юрт атрофидан,
Мен сенинг номинг тутиб, такрор-такрор айланай.

Алпомиш

Мен турай бошингдэ-ю, бегоналар айланмасин,

Йигитлар

От суриб, ёвларга оламини қилиб тор, айланай.

Тўхлимерган, Хулкар

Ухлаган чоғингда бошингдан кетолмай бир қадам,
Ҳар нафас юз ўргилиб, ҳар дамда минг бор айланай.

Дуэт давомида Кўкалдов ўз алпларини олиб, зарда билан
чиқиб кетади.

ПАРДА

САККИЗИНЧИ КУРИНИШ

Парда олдида

Иноқ Ултонни маст ҳолида етаклаб, сўзлашиб ўта бошлайди.

Иноқ

Айшингизни суринг, бегим! Вақт келди,
Халқ тинчиди, қасд қилганлар енгилди.
Фақат қолди Алпомишни осмоқлик!..

Ултон

Қийин бўлар, халқ қўзғалса босмоқлик!
Тура турсин, бошқа чора топармиз...
Элдан махфий, чўлга элиб, чопармиз...
Аммо бу кеч, мени қўйинглар холи,
Мени кутар Ойбарчиннинг висоли...

Қоражон шошиб кириб, тўхтайти.

Хўш, Қоражон?.. Кўринишинг серташвиш?..

Қ о р а ж о н

Билсам... Қачон осилади Алпомиш?

И н о қ

Бир гап борми?

Қ о р а ж о н

Ташвиш қилар ҳеч гап йўқ.
Сақлаётган посбонлардан кўнгул тўқ
Садоқатлик мардлар сақлар зиндонни,
Йўлаш учун қўймас яхши-ёмонни...

У л т о н

(ҳамён бериб)

Ол! Бу ердан тезроқ боришга шошгин,
Буни элтиб, посбонларга улашгин.

Қ о р а ж о н таъзим қилиб чиқади, қўлида шам билан Бекач кириб
салом беради.

Хўш Бекач?.. Нима гап?..

Б е к а ч

Кирансиз ҳозир....
Ойбарчин ясаниб, сизга мунтазир!

Мазмунли кулгилардан кейин Бекач Ултонни олиб кетади, пой-
лаб турган Кўкалдов Иноққа рўпара бўлади.

Иноқ

Хўш, паҳлавон?..

Кўкалдов

Сиз қолинг, биз кетамиз!..

Иноқ

Хушни тўпланг бир оз, бўлмай бетамиз!
Юрт сизники, Ултон фақат қўғирчоқ,
Сабр этсангиз, сўнгра бўлур кўнгила чоғ!
Ўз элига хоин, бўлмас ёр бизга,
Шошманг, дўстим, макрим тушгунча изга,
Беш-олти ой хўп деб туриб сўзига,
Ўз гўштини едирамиз ўзига!..

Бир-бирларига маъноли жилмайишади ва кетишади.
Парда очилади. Даҳмазали ўтовда дастурхонда гўшту шароб, бир
томонда ярим тахт, қимматбаҳо гиламлар тўшалган, қозикда қилич
ва ханжар, ёлғиз Барчин келинчак либосида бўлса ҳам юраги қайғу
алам билан тўлган.

Орқа фонда қуроли посбонлар бориб-келиб турмоқда.

Барчин

Не учун туғилдим, дунёга келдим,
Гуноҳсиз қушчаман, бу жаҳон қафас!
Олти ойдир тинмай йўлга тикилдим,
На ҳузур, на ором, на эркин нафас!
Кўкда юлдуз учса, учгим келар гоҳ,

Ойлар санамоқдан юзларим сўлгин!
Ёр асир, юрт хароб, элим бепаноҳ,
Оналар саргардон, оталар тутқин!

(ария)

Э, кўнгул, сендан бўлак бир меҳрибоним қолмади,
Торта-торта дарду ғам, қийналди, жоним қолмади.
Бир томон ҳижрон азоби, бир томон аҳду вафо,
Утмаган бу соҳада бир имтиҳоним қолмади.
Бошлагил кўнглим мени тоққа, кийиклар ёнига,
Қувлашиб, ўйнашгали бунда маконим қолмади.
Кўкка уч, қушлар билан мен кўкда парвоз айлайин,
Тушди ўт бу ошиёнга, ошиёним қолмади.
Келмагач жондан азиз Алпомишим, қутқазгали,
Уртаниб, Барчин фиғон чекдим, фиғоним қолмади.

А л п о м и ш

(ташқарида, узоқда куйлаб ўтади.)

Умидсизланма, дунёдан ўтар хон ҳам, гадолар ҳам,
Рақиблар ҳам, муҳаббатли қадрдон ошнолар ҳам,
Яшар эл, эл билан ким бўлса эл, албатта ўлмас у,
Эли қайғусида тоғлар аро, элдан жудолар ҳам.

Қ а л д и р ғ о ч

(истаб ўтади)

Айт! Кимсан? Эшитдим, руҳ кирди танга,
Қалбимдан жой олди ўтли овозинг!..

Қора жон Қалдирғочни етаклаб олиб кетади, Алпомиш арияси
яна эшитилади.

А л п о м и ш

Қолар номи эл ичра, дostonларда, қўшиқларда,
Вафо ҳам, оқибат ҳам, дилдаги зўр муддаолар ҳам,
Элинг тобланди кулфат ўтида, кел энди Алпомиш,
Йиқилсин дору сиртмоқ ҳам, битиб қайғу азалар ҳам.

О й и м ж о н

(пайпасланиб, орқадан ўтади)

Ўтли товушингни бўлдим мафтун
Оҳангнинг оромдек сингди қулоққа!..

Алпомиш онасини етаклаб, олиб кетади.

Б а р ч и н

Нажот бўйи келиб, оҳ, шу томондан,
Дардим енгиллатар ёқимли овоз!
Чиқ, э, жоним, аламли ошиёндан,
Уни кутмоқ учун йўлига пешвоз!

(ария)

Умидинг узма кўнглим, токи эл бор: бор экан олам,
Ҳаёти ухлаган йўқ, доимо бедор экан олам.
Қоронғи бўлса ойнанинг ўн беш, ойдин бўлур ўн беш,
Жаҳоннинг кенг бўлур, ҳозирча сенга тор экан олам.
Улимдан қўрқма, Барчин, турса ҳам бошингда юз
жаллод,
Қасосинг олгали ҳар доимо тайёр экан олам.

Б е к а ч

(киради)

Таъзим қилинг, ёнингизга Ултон кирур,
Ултон демай, ёнингизга султон кирур...

Бадмаст Ултон кириб, Бекач чиқади, Ултон чакмон ва камарни
ечиб улоқтиради, мағрур қадам босиб, Барчинга юзланади.

У л т о н

Ургилайин! Бахтим менга ёр экан,
Ойбарчинга етишар кун бор экан!

О й б а р ч и н

Мен, бўлажак келинингман! Хоин, шум!

У л т о н

Энди ундаи сўз очмасдан, оғзинг юм!
Тилга олма Алпомишнинг отини,
Бугун энди сен Ултоннинг хотини!
Аллақачон ўлган! Ундан умид уз!
Меникисан!

(Қўл узатади.)

Б а р ч и н

Яқин келма, э, беғоз!
Ҳокимлик деб, элга қилдинг хиёнат!
Қани инсоф, ору номус, диёнат?!

Сен бағри тош, кўп юзларни сўлдирдинг,
Шўрлик отам!.. Амакингни ўлдирдинг!

У л т о н

Ҳаммасини сен деб қилдим, кел энди,
Тўй ҳам ўтди, ташвиш битди, эл тинди.
Эл тинч бўлсин десанг, бўйин эг менга,
Мақтаниб юр, ёр деб, Ултонбек менга!..

Б а р ч и н

Сен сотқинда Ватан бўлмас, ёр бўлмас,
Хоинларда номус бўлмас, ор бўлмас!

У л т о н

Хуллас калом, хўпми? Ёки?

Б а р ч и н

Кет, жаллод!

У л т о н

Шовқин солма!

Б а р ч и н

Бақираман!..

У л т о н

Солма дод!..
Бош товласанг, бошинг кетар,

Б а р ч и н

Бошим кес!

У л т о н

(ёпишиб)

Бўйсунмасдан қани кўр-чи...

Б а р ч и н

(май кўзачаси билан бошига уради)

Э, иблис!

Ултон гангиб, бошини ушлаб ўтириб қолади. Барчин четга тисарилади,
кўзи ханжарга тушиб, уни олиб яширади.

У л т о н

(ўзига келиб)

Энди мендан кўргин!

(Билак шимаради.)

Гўштинг тарашлай!

(Ҳамла қилади.)

Бағрингни парчалаб, итларга ташлай!

Ултон ташланганда Барчин ханжар солади, айланиб йиқилади.

Оҳ, қотил, ўлдирдинг!..

Б а р ч и н

Бу, чин адолат!..

Б е к а ч

(мўралаб, сўнг бақиради)

Оҳ, бегим!

Қаршимда қўрқинчли ҳолат!..

(Кўриб бақирганча чиқади.)

Войдод!.. Ким бор?.. Ўлдирилди Бег Ултон!..

Б а р ч и н

Қотиллигим била қолсин кенг жаҳон,
Маълум бўлсин қотилликнинг асоси:
Бу қасосим — гуноҳсиз эл қасоси!..

Иноқ

(Шошиб кириб, Ултонни кўради, бепарво, мағрур
сўзланади.)

Ҳоким эдинг, энди ҳозир ким бўлдинг?
Яйловдаги калхатларга ем бўлдинг!..

(Қаҳқаҳа.)

Уйлайсанки, ҳокимликка йўқ ҳеч ким!
Элатингга мана энди мен ҳоким!..

(Барчинни кўриб.)

Қотил келин!..

Барчин

Яқин келма, шум айёр!..

Иноқ

(чангалини ёзиб)

Бўғиб ўлдиришининг анча кайфи бор!

Иноқ ҳамла қилади, Барчин даф қилади.

Йигитмисан, қиз болами? Айт, бадбахт!

Барчин

Калхатларни ҳайдаш учун келди вақт,
Ғазабланса, йигит ҳам қиз барабар!..

Иноқ ҳамла қилади, Барчин қўлидан ханжар тушади, у Барчиннинг
қўлини қайиради.

Иноқ

Келиб кўрчи ўзинг ёлғиз баробар!..

(Қаҳқаҳа.)

Алпомиш

(Қорақалпоқ чавандоз ниқобида, қўлида яланғоч
қилич, отилиб киради)

Торт қўлингни, жаллод! Қизга ёндашма!
Шунча зулминг етар, ҳаддингдан ошма!..

Иноқ

Ўз қонингга ташнамисан, чавандоз!..

Алпомиш

(ниқобини юзидан олади)

Жонни узат, асло чиқазмай овоз!..
Қасос олиш вақти келди, баттол ёв!

Иноқ

(қаршисида Алпомишни ғазабноқ кўриб)

А!..

(Ташқарига қочади.)

Қутқаринг!.. Дод! Қоражон, Кўкалдов!

Алпомиш уни қувиб, ташқари чиқади, ўтовга Бекач киради.

Бекач

Иноқ ака!..

Барчин

(тўсиб)

Шошма! Ҳовлиқма, тўхта!

Манжалоқи, ювиндихўр, гўрсўхта!..

Барчин қўлида қилич. Бекачни қувиб чиқиб, ташқарида Алпомишни Иноқнинг жасади устида учратади, қўлидан қилич тушиб, турган ерида ҳолдан кетади, Бекач қочиб қутулади.

Алпомиш

Етди фурсат сенларга гўр қазишга,
Аммо, сендан ҳазар қилар пок тупроқ...

Барчин

(турган ерида бақиради)

Алпомишим!..

Алпомиш югуриб келиб, йиқилаётган Барчинни суяйди.

А л п о м и ш

Узингни тут, вафодорим Ойбарчин!

Б а р ч и н

(кўзини очиб)

Тушми, ўнгми? Ё хаёлим?..

А л п о м и ш

Йўқ-йўқ!.. Чин!..

Шу фурсатда орқадан Қоражон, Тўхлимерган, Қулун-
той ва бошқа йигитлар қўли боғлиқ Кўкалдов бошланқ бошқа
алпларни асир олиб ўта бошлайдилар.

Қахрамоним, меҳрибоним, арслон қиз,
Ўз ишқига, ўз юртига посбон қиз!
Энди доим Алпомишинг ёнингда...

Б а р ч и н

(тетикланиб)

Афв этинг...

А л п о м и ш

Берган имтиҳонингда —
Юз Лайли-ю, юз Шириндан баландсан,

Элнинг дарди гами билан пайвандсан.
Муҳаббатсан, ҳам шуҳратсан, ҳам шонсан,
Жанг майдонда қилич тутган жононсан!..

Барчин

Жон не керак бўлур, ишқни оқлашда,
Ору номус, элу юртни сақлашда!
Жон аялса шундай пайтда, йўқ маъно,
Роҳат бўлмас жонни койитмасдан то!

Олдинда Ойимжонни етаклаган Қайқубод, орқада кексалар, ёшлар, эрлар, аёллар кириб кела бошлайдилар. Алпомиш онасини қучади, бошқалар билан сўрашади ва куйлайди.

Алпомиш

(ария)

На хушким, кулди бахтим, жангда иқбол бўлди
йўлдошим,
Зафарномамга ёзди янги тарихларни кенгошим.

Ария давомида Қоражон ёнида Қалдирғоч билан кириб, Қалдирғоч Алпомиш кўксига ташланади, Қоражон қилич ўпиб, тиз чўкади, Алпомиш унинг елкасини қоқиб.

Ўзим ёлғиз эмас, жангоҳда ёнимда саноқсиздир,
Элим, дўстим, қадрдоним билан қавму қариндошим.

Элим фарзандиман, жоним фидо шу элга, Алпомиш,
Агар шу эл қилур фармон: берурман эл учун бошим.

Ҳ а м м а

Дегай эл сенга минг раҳмат, эли фарзанди Алпомиш,
Эл ўғли, ет муродингга, юрак пайванди Алпомиш.

П А Р Д А

1948—1962.